Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 109 (20. 976) 1991 йил 8 июнь, шанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

«Совет Ўзбекистони», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар

ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ ВАЗИФАСИ: БОЗОРНИ ТОВАРЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИШ, ЖУМҲУРИЯТ ФАРОВОНЛИГИНИ КЎЗЛАБ ИШЛАШ

● Илгари хабар қилингандек, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов жумҳурият ишбилармонлари таъсис съезди қатнашчилари билан учрашди. Узоқ давом этган батафсил суҳбатда жумҳуриятда юз берган иқтисодий вазиятга баҳо берилди, ишбилармонлар олдига уларнинг фаолиятини тезроқ бозор муносабатларига ўтказиш вазифаси қўйилди.

МАМЛАКАТНИНГ барча минтақаларида иқтисодий аҳвол кескин бўлиб турган, истеъмол бозоридаги вазият кескинлашган, халқ истеъмоли моллари етишмаётган ҳозирги пайтда ишбилармонлар фаолияти айниқса муҳим эканлиги таъкидланди. Президент ортиқча кутиш мумкин эмаслигини, эски ва амал қилмаётган хўжалик тузилмаларига умид қилиш беҳуда эканлигини таъкидлади. Бу истеъмол бозорининг тағин ҳам қашшоқлашишига, нарх-навонинг ортиши, пулнинг қадрсизланиши авж олишига олиб боради. Вазиятни барқарорлаштириш, жумҳурият аҳолисининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш учун биринчи навбатда камбағаллар, пенсионерлар, талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун нархнинг уч хил тури қайд этилган, тартибга солинадиган ва эркин нархлар жорий қилинди. Бироқ шунда ҳам талабнинг ҳар қандай авж олиши бозорга улкан миқдордаги пулнинг оқиб келишига сабаб бўлади, бу эса вазиятни чигаллаштиради.

Шартномавий нархлар қўлланилаётган соҳанинг кенгайиб бораётгани ҳам шундай аҳволга олиб боради, турли тармоқларга қарашли корхоналар маҳсулотга ўз билганича нарх қўймоқда. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот таннархини камайтириш ўрнига улар нархни ошириб, ўнлаб йиллар давомида вужудга келган монополия ҳисобига хотиржам яшамоқда.

Буларнинг ҳаммаси бозор муносабатларига ўтиш жараёнининг қийинчиликлари эканлиги тушунарлидир. Бироқ бу жараён тағин ҳам қийинроқ кечишига, одамлар тағин ҳам ёмонроқ яшашига йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабли ана шундай шароитда ишбилармонларнинг тутган ўрни муҳимдир. Ишни фойдали юргиза билиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш йўлида фаол меҳнат қилиш — ҳамма ҳам бундай истеъдодга эга эмас. Ишбилармон одамлар ўз қобилиятларини рўёбга чиқаришлари учун, ўзлари танлаб олган соҳада салоҳиятларини ишга солишлари учун ҳамма зарур ишни қилиш керак.

Ўзбекистон ССР Президенти ишбилармонлик муаммоларига батафсил тўхталди. Мулкчилик шакллари хилма-хил бўлган корхоналарнинг вакиллари чинакам товар ишлаб чиқарувчи бўлишлари лозимлиги таъкидланди. Оддий олди-сотди салмоқли самара бера олмайди. Пировард натижани кўзлаб ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш керак. Ўзбекистоннинг хом ашё етиштирадиган минтақа ҳисобланишига хотима берадиган пайт келди. Фақат тор ихтисослашиш оқибатида жумҳурият бюджети ижтимоий соҳани ривожлантириш учун, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун, уй-жой ҳамда маданий ва маиший иншоотлар қуриш учун жуда зарур бўлган катта маблағдан маҳрум бўлмоқда.

Ўзбекистон ишбилармонлари уюшмасига бирлашган кишилар нималар билан шуғулланишлари лозим? Ишлаб чиқаришни ва аввало халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун барча имкониятлардан фойдаланиш зарур. Бу ғоят муҳим ижтимоий муаммони ҳал қилишга бел боғлаган кишиларга энг қулай шароит яратилиши лозим. Маълум вақтгача олдингидек ишлаш: валюта изла ш, шу валютага озиқ-овқат, маҳсулотлари, кенг истеъмол моллари харид қилиш мумкин, албатта, деб таъкидланди учрашувда. Лекин қачонгача шундай яшаш мумкин. Чала-чулпа чоралар кўриладиган давр ўтиб кетди. Таркиб топган тузилмаларни тубдан ўзгартириш керак. Бунда ишбилармонлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Улар жумҳурият ҳудудида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва сақлайдиган корхоналарнинг кенг тармоғини барпо этишлари мумкин ва лозим.

Учрашувда мулкни хусусийлаштиришга ва давлат тасарруфидан чиқаришга кўп эътибор берилди. Пировард мақсади бозор иқтисодиётига ўтишдан иборат бўлган иқтисодий ислоҳотда мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш муҳим ўрин тутади. Кўплар давлат корхоналарини сотишга қарши чиқмоқдалар, буни камбағаллар ва бойлар пайдо бўладиган капитализмнинг белгилари, деб ҳисобламоқдалар. Бироқ бундай ёндашув ибтидоийдир. Чунки бу ерда гап мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш қандай шакл олиши мумкинлиги ҳақида бормоқда. Етакчи хорижий мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мулкчиликнинг бир қанча турлари: давлат мулки, жамоа мулки, кооператив мулки, хусусий мулк ва бошқалар бир-бирини тўлдириб, меъёрида амал қила олади. Хўжалик юритишнинг бундай тизимида айрим корхоналарнинг якка ҳокимлиги барҳам топади, рақобат юқори сифатли ва арзон моллар ишлаб чиқариш учун омилга айланади.

Лекин бунда бошқа бир муҳим жиҳатни ҳам унутмаслик керак. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳаммасининг жонига тегадиган кампанияга айланишига мутлақо йўл қўйиб бўлмай-

(Давоми иккинчи бетда).

Андижон вилояти. Қўрғонтепа районидаги Тимирязев номли хўжаликлараро бирлашмада гўшт йўналишидаги «Шероле» зотли 20 та бузоқ боқилмоқда. Жониворлар тез суратлар билан ўсмоқда. Улар ҳар куни 1,5 килограммдан семирмоқда. Бу жониворлар 1 йилда 700 килограммдан ортиқ тош босади. Шу йилнинг ўзида худди шундай зот сигирлардан 100 та бузоқ олиш мўлжалланмоқда. Келгусида хўжаликда сигирлар сони 500 дан оширилиши кўзда тутилмоқда.

— Озуқанинг нархи ошиб бораётган ҳозирги шароитда «Шероле» зотли сигирлар катта самара беради, — дейди хўжалик директори Камолиддин Отантоев. — Бу жониворлар 100 кун ичида етилади. Бу эса озуқа ва меҳнат сарфини камайтиришда қўл келади.

СУРАТДА: чорвадорлар бригадири Одилжон Раимқулов.

Ш. АЛИМОВ туширган сурат (ЎзТАГ).

Шу сонга хабар

● БУХОРО

Бу йилги баҳор серташвиш келганлигига қарамай Бухоро вилояти меҳнаткашлари мўл пилла ҳосили етиштиришди. Енгил саноат учун қимматбаҳо хом ашё тайёрлаш режаси қисқа муддат ичида бажарилди. Тайёрлов пунктларига 4470 тоннадан кўпроқ «кумуш тола» топширилди. Ҳар қути қурт уруғидан ўрта ҳисобда 56 килограммдан пилла олинди. Ғолиб пиллакорлар имкониятларини ҳисоблаб чиқишди. Яна 100 тонна пилла тайёрлашга сўз берилди.

● ҚАШҚАДАРЁ

Вилоят пиллакорлари давлатга пилла сотиш режасини ошириб бажардилар. Қабул пунктларига 2220 тонна ўрнига 2221 тоннадан кўпроқ сифатли хом ашё топширилди. Ҳар қути ипак қуртидан 60 килограммдан ҳосил олинди. 90 фоиздан зиёд ҳосил юқори навларга топширилди.

Эришилган зафарга вилоятнинг Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Қарши, Косон, Ульянов, Қамаши, Чироқчи, Усмон Юсупов ва Муборак районларининг пиллакорлари қатта ҳисса қўшдилар.

Айни пайтда колхоз ва совхозларда пилла териш ҳамда давлатга топшириш қизғин бормоқда. Вилоят пиллакорлари ялпи хирмонни 2,5 минг тоннага етказишмоқчи.

«Совет Ўзбекистони» мухбирлари.

ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ ПОЙҚАДАМИ

● Илгари хабар берилганидек, ўтган йил 18—22 июнь кунлари Ўзбекистон пойтахтида «Тошкент ишбилармонлар учрашуви» ўтказилади. 6 июнь куни шу воқеага бағишланган биринчи матбуот конференциясида журналистлар ҳузурида ушбу анжуман ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов сўзга чиқди.

Матбуот конференциясида бу учрашув Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг ташаббуси ва қарори билан ўтказилаётганлиги таъкидланди. Ўзаро манфаатли ҳамкорлик ишбилармонлар анжуманининг шиоридир. Биз муҳтарам меҳмонларимизни Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги аҳволи билан таништирмоқчимиз. Ўзбекистон хом ашё ўлкаси эмас, балки тайёр маҳсулот тайёрланадиган жумҳуриятга айланиши керак. Гарчи ҳозир биз четга мол чиқариш салмоғи жиҳатидан Иттифоқда учинчи ўринни эгаллаб турган бўлсакда, бу асосан тола, пилла, қоракўл сингари хом ашёлардир. Мурдимиз ҳосил бўлиши учун хориждаги фирмалар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилишимиз, чет эл сармояларини Ўзбекистонга жалб этишимиз керак. Биринчи навбатда хом ашё манбалари яқинида кичик ва ўртача қўшма корхоналар бунёд этиш лозим бўлади.

Яқинда бўладиган Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдаги сессиясида ташқи иқтисодий алоқаларга доир қонунлар лойиҳаларининг муҳокама этилиб, қабул қилиниши билан халқаро муносабатларимиз ҳуқуқий заминга эга бўлади.

Учрашув тантана эмас, балки амалий мулоқотдир. Ҳозирнинг ўзидаёқ икки юзга яқин таклиф ва лойиҳалар тушганлиги шундан далолат беради. Умидворимизки, мазкур учрашув халқ хўжалиги структурасида сифат ўзгаришлари қилишга, одамларни иш билан таъминлашга кўмаклашади.

Жаҳоннинг элликдан ортиқ мамлакатидаги 748 фирма ва корхоналарнинг намояндаларига таклифнома жўнатилди. Уларнинг жумҳуриятимизга ташрифи, пойқадами қутлуғ бўлади деб ўйлаймиз.

Анжуман арафасида Ўзбекистон Халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасида жумҳуриятимиз маҳсулотлари намойиш этилади. Меҳмонларимиз халқ хўжалигимизнинг бугуни қурби ва истиқболлари билан танишиш имкониятларига эга бўладилар. Биз чет эллик ишбилармонларга анъанавий меҳмоннавозлигимизни кўрсатамиз. Улар Самарқанд ва Бухорода сафарда бўладилар. Фольклор дасталарининг чиқишларини томоша қиладилар.

Матбуот конференцияси қатнашчилари олмониялик сармоядор, ҳаммиллатимиз Анварбек Олтойли сўзини қизиқиш билан тингладилар. «Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг барқарор бўлиб турганлиги бизга маъқул,— деди у.— Бу сармоя сарфлашда энг янги технологияни жорий этиш учун қулай заминдир. Мен ҳамюртларимга қўлимдан келадиган мададни беришга тайёрман».

Матбуот конференциясида журналистларнинг саволларига батафсил жавоб берилди.

(ЎзТАГ).

СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ШВЕЦИЯГА АМАЛИЙ ТАШРИФИ

СТОКГОЛЬМ, 6 июнь. СССР Президенти М. С. Горбачев бугун Швецияга амалий ташриф буюрди.

Пойтахт Арланда аэропортида М. С. Горбачев билан Р. М. Горбачевани Швеция Бош вазири Ингвар Карлссон ва Ингрид Карлссон кутиб олдилар. Машиналар карвони аэропортдан Стокгольмга, Альфред Нобель кўчасига йўл олди. Совет Президенти Швеция пойтахтида бўлган даврда бу ерда унинг боргоҳи бўлади. Учрашувнинг эълон қилинган дастурига кўра, у Ингвар Карлссон билан музокаралар олиб боради, Швед давлати бошлиғи қирол Карл XVI Густов билан суҳбатлашади.

x x x

СТОКГОЛЬМ, 6 июнь. Амалий ташриф билан бу ерга келган СССР Президенти М. С. Горбачев ўз боргоҳида жаҳон атроф муҳитни муҳофаза қилиш куни муносабати билан Швецияда ўтказилаётган тадбирларда иштирок этган Бразилия Президенти Фернандо Коллор де Меллони қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбатда халқаро аҳвол ва икки томонлама муносабат масалалари муҳокама қилинди. Ф. Коллор де Мелло СССР Президентини 1992 йилда Бразилияда бўладиган жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш конференциясига таклиф этди.

x x x

Шу куни кечқурун М. С. Горбачев Москвага қайтиб келди.

Внуково аэропортида СССР Президентини СССР вице-президенти Г. И. Янаев, СССР Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов, СССР Бош вазирининг биринчи ўринбосари В. Х. Догужиев, КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко СССР Хавфсизлик Кенгашининг аъзолари, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС мухбирлари).

● Халқ ҳақига хиёнат қилишга уялмайсизми?

МУРОДИГА ЕТМАДИ

Янгиариқ районида «Янгиобод» универмаги бор. Унинг озиқ-овқат бўлимида текшириш ўтказилди. Юзаки қараганда ҳаммаси қўнгилдагидай эди. Бироқ текширувчилар масалани чуқурроқ ўрганишга киришганда қинғир ишнинг қийиғи чиқиб қолди. Бўлим мудири Ғ. Саидризоев ғирромликнинг янгича усулини қўллаяпти. Умумий баҳоси 15 минг сўмдан ортиқ ҳинд қора чойи, спиртли ичимликларни Чапаев номли жамоа хўжалигида яшовчи отасининг уйига яшириб қўйганлиги очилиб қолди. Хўш, у бундан қандай манфаат кўради? Дўконда ҳозир сотти нимаю, отасиникига муайян муддатга қўйиб, кейинчалик пештахтага чиқарди нима? Гап шундаки, ўша пайтда маҳсулотларнинг баҳоси ошаётган эди. Яъни Саидризоевнинг 15 минг сўмлик яшириб қўйган камёб моллари жилла қурса унга қўшимча фойда келтириши мумкин эди. Мудирнинг муроди ҳосил бўлмади. Бу моллар харидорлар қўлига эски нархда етказиб берилди.

Ҳа, ҳаётнинг йўриғи қизиқ, ундан ҳам кишиларнинг қилиғи қизиқ, деб шунга айтсалар керак. Бўлмаса мудир давлат маҳсулотларини отасининг уйида сақлармиди? Мазкур райондаги 13-магазин мудири Ўринбой Раҳимов бўлса сал бошқачароқ йўл тутди. У шундай мақсад учун Аваз Ўтар номли жамоа хўжалигининг 5-бригадасида яшовчи укасининг уйини, аниқроқ қилиб айтганда молхонасини танлади. У бу ерга 45 қоп шакарни олиб бориб қўйди. Балки укаси бунинг учун хафа бўлгандир.

— Ака, бизнинг моллар шакар емайди. Уларни магазинга олиб борсангиз яхши бўларди.

Бу гап бўлганми ёки йўқми бизга номаълум. Лекин шу нарса равшанки, то ОБХСС ходимлари келмагунча қоп-қоп шакар молхонада босилиб ётаверди. Акасининг виждони буюрмаган ишни биз амалга оширдик, одамларга адолатли равишда сотилишини таъминладик. Шу аснода Раҳимовнинг яна бир сири ошкора бўлиб қолди. Дўкон омбориданяшириб қўйилган 42 дона аёллар пальтоси ҳам чиқди.

Ҳар қалай харидорлар бунга ҳам тоқат қилар. Лекин у икки томонлама алдансачи? Яъни сотувчи ундан зарур молларни яшириб қўйса, устига устак харидор ҳақига хиёнат қилса. Бундай пайтда тайинки, харидорнинг қадр-қиммати камситилган бўлади, савдо ходими эса жиноятга қўл урган ҳисобланади. Хонқа матлубот жамиятига қарашли 3-сон озиқ-овқат моллари магазини мудири Икром Ўринов ана шундай ишга қўл урди. Бир харидорга сигарета сотаётиб 13 сўм 70 тийинини ўмариб қолди. Омборида шу куни жами 3800 сўмлик турли хилдаги сигарета, гугурт, асал, ароқ ва конфетни яшириб қўйган эди.

Урганч шаҳридаги 4-ишчилар таъминоти бўлимига қарашли 16-дўкон мудири Одилбек Машариповнинг бу борадаги «тажрибаси» ҳаммасидан ошиб тушади. Яқинда у омбордан 90 яшчик — 1800 дона ароқ олди. Унинг тенг ярмини Урганч райони, Ленин номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи синглисиникига олиб бориб қўйди. Қолганини эртаси куни борига барака деб кўтарасига шаҳардаги Карл Маркс кўчаси, 5-проезд 13-уйда яшовчи Б. Авезовга пуллаб юборди. Табиийки, у мушук текинга офтобга чиқмайди қабилида иш тутиб, ҳар бир донасига 50 тийиндан қўйиб сотди. Бу ҳам ҳали холва экан, унинг дўкони тафтиш этилганда 8 минг сўмдан зиёд камомат борлиги аниқланди.

Шунга ўхшаш мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бундай ҳоллар айниқса Янгиариқ, Хива, Боғот, Урганч районлари вилоят марказидаги савдо нуқталарида кўпроқ содир бўлаётганлиги кишини безовта қилади. Демак бу районларнинг мутасаддиларининг масъулиятни унчалик ҳис қилишмаяпти, кадрларни танлаш, тарбиялаш масалаларига эътибор беришмаяпти. Бўлмаса бундай нохуш ҳоллар тез-тез такрорланмаган бўлур эди. Савдо тармоқларидаги бундай кўнгилсиз ҳоллар ларнинг олдини олиш тегишли ташкилотлар олдида турган долзарб вазифадир.

Х. ЮСУПОВ,
Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси БХСС бўлими бошлиғи.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТИЛШУНОСЛАР АНЖУМАНИ

Куни кеча Бухоро Енгил ва озиқ-овқат саноати технологияси олийгоҳида техник олий таълим даргоҳларида тилларни ўргатишни такомиллаштириш муаммоларига бағишланган семинар кенгаш бўлиб ўтди. Унда Москва, Тошкент, Киев, Боку ва бошқа йирик шаҳарлардаги 12 та олий ўқув юртларидан 50 нафардан зиёд тилшунос олимлар иштирок этдилар.

Семинар доирасида ўтказилган йиғилишларда маъруза, давра столи атрофида суҳбатларда техника олий даргоҳларида бу муҳим ишни ташкил қилиш тажрибаси хусусида фикр алмашилди. Тилларни ўқитиш ва ўзлаштиришдаги умумий муаммоларни ҳал қилиш чора-тадбирлари белгиланди.

Кенгаш якунида олимлар мамлакат техника олий таълим олийгоҳларида тилларни ўргатишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқдилар.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

7 июнь куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлди. Унда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 12 июнь куни очиладиган бешинчи сессияси масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари В. С. Ҳамидов қатнашдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларининг протоколларига асосан ва «Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 49 ва 54-моддаларига мувофиқ 1991 йил 2 июнь куни бўшаб қолган ўринларга сайланган қуйидаги Ўзбекистон ССР халқ депутатларини рўйхатга олди:

— Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи, Андижон вилояти 145-Комсомолобод сайлов округидан сайланган халқ депутатлари Андижон вилоят Советининг раиси, вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби, КПСС аъзоси Қаюм Холмирзаевич **Холмирзаев;**

— Нукус шаҳрида истиқомат қилувчи, Қорақалпоғистон АССР 489-Шўрахон сайлов округидан сайланган Қорақалпоғистон АССР Олий Кенгашининг Раиси, Ўзбекистон Қомпартияси республика қўмитасининг биринчи котиби, КПСС аъзоси Давлетбай Нуратдинович **Шамшетов.**

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси 1991 йил 12 июнь куни соат 15.00 да Ўзбекистон ССР Президенти аппаратининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари 1991 йил 12 июнь куни соат 11.00 да Ўзбекистон ССР Президенти аппаратининг мажлислар залига овоз беришнинг автомат қурилмасидан фойдаланиш тартиби билан танишиш учун таклиф қилинадилар.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари 11 июнь куни соат 9.00 дан то кеч 18 га қадар Ўзбекистон ССР Президенти аппарати мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ ВАЗИФАСИ: БОЗОРНИ ТОВАРЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИШ, ЖУМҲУРИЯТ ФАРОВОНЛИГИНИ КЎЗЛАБ ИШЛАШ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ди. Ҳар қандай жиддий иш каби бу дастур кампаниячиликка тоқат қилмайди, кампаниячилик фақат зарар етказиши мумкин. Давлат мулки ҳозирги пайтда бозорни вужудга келтиришнинг бошқа усуллари ва шакллари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда сотилиши мумкин эмас. Мувозий ёрдамчи тармоқларни вужудга келтириш, мулкчиликнинг барча турларига давлат мулки қатори тенг ҳуқуқ бериш зарур. Ҳаво ва темир йўл транспорти, мудофаа, космонавтика каби энг муҳим тармоқлар давлат мулки бўлиб қолиши тушунарлидир. Буларнинг хаммаси давлат буюртмалари билан мустаҳкамланиши лозим. Қолган тармоқларда эса мулкчиликнинг бошқа турларига кенг йўл очиб бериш керак.

Жумҳуриятимизда ҳозирнинг ўзида ана шу ишлар қилинмоқда. Фақат фондларнигина тақсимлаган, энди эса савдо-харид ишлари билан шуғулланаётган собиқ давлат таъминот комитети тубдан қайта қурилди. У давлат-кооператив бирлашмасига айлантирилди. Бундан ташқари бозор эҳтиёжини ўрганиш, унинг талабларига аниқ муносабатда бўлиш ҳам мазкур ташкилотнинг вазифасига киради. Ўзбекбирлашув тизимидан аҳолидан гўшт, сут, мева, сабзавот маҳсулотларини харид этиш билан шуғулланган мустақил кооператив бўлинмаси ажралиб чиқди.

Булар ҳаётий муҳим қарорлардир. Чунки, энг оддий ҳисоб-китобларга қараганда, Ўзбекистонда идиш йўқлиги, омборхоналар ҳамда қайта ишловчи корхоналарнинг етишмаслиги сабабли мева-сабзавот маҳсулотларининг 40 фоизгача бўлган қисми чириб кетмоқда. Ҳарид-тайёрлов ташкилотлари режани бажарганликлари учунгина маҳсулотни қабул қилишдан бош тортганликлари хусусида аччагина мисоллар бор. Эски тизимда ҳар қандай мантиққа зид ўлароқ, эҳтиёжни бозор эмас, балки амалдорлар келтириб чиқарарди. Қандай бемаънилик!

Ёки бошқа бир мисолни олайлик: қуруқ мева тайёрловчи ҳар бир киши муваффақиятли равишда бирғина битимни бажариш ҳисобига бутун йил давомида бемалол яшаши мумкин ва уни ўша помидорларни харид қилиш билан шуғулланишга мутлақо мажбур қила олмайсан. Нима учун шундай. Чунки бунинг унга фойдаси йўқ, таваккал қилишни у хоҳламайди. Агар шу киши помидор тайёрлагани учун фойда олишига кафолат берилса, турли хилдаги тўраларча тўсиқлар халақит бермайдиган бўлса, ишбилармон ҳар бир ҳовлига кириб чиқиб, маҳсулот етиштирувчилар билан ўзаро фойдали битимлар тузган бўлур эди. Ана шунда мавсумга, бозор эҳтиёжига қараб, нархлар ҳам ўзгариб турарди.

Ишбилармонликнинг маъноси жуда оддий: тайёрловчи қанча кўп харид қилиб, фойдасига сотса, унинг маоши шунчалик юқори, жумҳурият бюджетига қўшган ҳиссаси баракали бўларди. Ишбилармонлар уюшмаси жумҳуриятимизнинг иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнашига кўмаклашиши лозим. У ишбилармон, тадбиркор кишиларнинг жамоат ташкилотидир.

Масаланинг бошқа бир муҳим жиҳати ҳам бор. Ишбилармонлар нима билан шуғулланиши керак? Иш билан! Улар маҳсулот етиштиришлари, бозорларни ана шу маҳсулотларга тўлдиришлари, фойда ишлаб топишлари лозим. Муҳими, ишбилармон кишилар етакчи йўналишларда кучларини жамлай олишлари керак. Бунга енгил саноат ҳам, савдо ҳам, хизмат соҳаси ҳам киради. Чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашнинг ўзи шундай олтин ўраки, у ғайратли кишини бу ишга жалб этиши ва неча ўн минглаб кишиларга юқори даромад келтириши мумкин.

Учрашув қатнашчилари жумҳуриятимизда ишбилармон махсус жамғармасини тузиш масаласини батафсил муҳокама қилдилар. Уни ташкил этиш зарур деб топилди. Жамғармага тушган маблағлар ҳозирча ўз оборот маблағлари бўлмаган, ишни мустаҳкам асосга қўя олмайдиган корхоналарга ёрдам бериш учун сарфланади. Съезд делегатларига кооператив, хусусий ва бошқа корхоналарни моддий-техникавий жиҳатдан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги масала яқин вақт ичида ҳал этилиши айтилди. Давлат корхоналари фойдаланаётган имтиёзлар янги уюшмага кирганларга ҳам дахл қилиши таъкидланди. Бу ташқи иқтисодий фаолиятга ҳам тегишлидир. Айни вақтда жумҳурият бойлигини ёппасига ёки чакана нархда сотиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмагани таъкидланди. Янги уюшмага бирлашган корхоналарнинг халқаро бозорга чиқиши жумҳуриятимизнинг бойишига, унинг хорижий мамлакатларда эътибор қилинишига кўмаклашиши керак.

И. А. Каримов ўз нутқининг охирида жумҳуриятимиз бозор иқтисодиётига янги, илғор тузилмаларсиз ўтишини хаёлга ҳам келтириб бўлмаслигини таъкидлади. Мулкчиликнинг турли шаклларида ишлайдиган корхоналарнинг соғлом рақобати, бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда рақобат қила оладиган халқ истеъмоли моллари билан тўлдириш —ҳозирги мураккаб иқтисодий вазиятни барқарорлаштирибгина қолмай, айни вақтда Ўзбекистондаги миллионлаб аҳолининг турмушини анча яхшилаши ҳам мумкин. Ишбилармонлик ҳаракатига кенг йўл очилди. Навбат ўзини ана шу оғир, айни вақтда жамиятимиз учун шу қадар зарур ишга бағишлашга қарор қилган кишиларга келди.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов жумҳуриятишбилармонлари таъсис съезди қатнашчиларининг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтарди.

(ЎзТАГ).

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ КОТИБЛАРИ ЗОНАЛ КЕНГАШЛАРИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

● КПСС Марказий Комитетининг республикалар, ўлкалар ва вилоятларда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янгилаш комиссиясининг ташаббуси билан бошланғич партия ташкилотлари котибларининг зонал кенгашлари ўтказилди. Бундай кенгашлар қийин вазиятда ишлаётган бошланғич партия ташкилотлари ишнинг янги шакл ва усулларини излаётганликларини, ўз зиммаларига тушган қийинчиликларга дош бераётганликларини, коммунистларни аниқ-равшан ишларда жипслаштираётганликларини кўрсатди. Айни вақтда кўпгина партия ташкилотлари саросимага тушиб қолди, ўз фаолиятини сусайтириб юборди, жамоалардаги таъсиридан маҳрум бўлди, айримлари эса умуман фаолиятини тўхтатиб қўйди. Буларнинг ҳаммаси партиянинг ташкилийсиёсий фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда, унинг мамлакатда рўй бераётган жараёнларга чинакам таъсир кўрсатиш имкониятини торайтирмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Котибияти зонал кенгашлар якунларини кўриб чиқиб, қарор қабул қилди. Котибият мазкур қарорда кенгашларнинг қатнашчилари ўртага қўйган асосий масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён этди.

МАРКАЗИЙ КОМИТЕТ Котибияти коммунистларни, партия комитетларини бошланғич партия ташкилотларидаги ишларнинг аҳволини диққат билан синчиклаб ўрганишга ва уларнинг ҳар бири ишлайдиган ташкилотга айланиши учун чоралар кўришга чақирди. Мамлакатдаги асосий сиёсий куч бўлган, социалистик позицияларда қатъий турган КПССни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ана шуларга боғлиқдир. Партия ташкилотларининг куч-ғайратини КПСС XXVIII съезди, КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссияси пленумларининг қарорларини бажаришга сарфлаш, умумпартиявий вазифаларни амалга оширишда ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлаш зарур.

Қарорда меҳнат коллективларидаги бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини тақиқлаб қўйиш ва партиясизлаштириш талабларини ўртага қўйиш билан партия асосига путур етказишга уринишлар қораланади. Бундай уринишлар ғайриқонуний, нодемократик ва ахлоққа зид хатти-ҳаракатлардир, чунки улар СССР Конституциясига, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги СССР Қонунига, СССР Адлия вазирлиги рўйхатга олган КПСС Уставига зиддир. Эътиқоди туфайли ўз касбида ишлашни ман этиш ҳоллари юз бермоқда, халқаро ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари бузилмоқда.

Меҳнаткашлар асосий оммасининг сиёсий ва ижтимоий манфаатларини ифодаловчи партия бўлган КПСС улар меҳнат қилаётган соҳаларда бўлиши лозим. Партия ташкилотларида туғатувчилик ва мағлубиятчилик кайфиятларига чек қўйиш, сабр-тоқатли бўлиш, КПСС Уставида қайд этилган ҳудудий-ишлаб чиқариш қоидасига оғишмай амал қилиш, қонун доирасида иш кўраётган партия қонун билан ҳимоя қилинганлигига асосланиш керак. Айни вақтда вазият партия аҳоли ўртасида олиб бораётган ишда туб бурилиш ясашини, ҳудудий партия ташкилотлари мустаҳкамланишини, истиқомат жойларида коммунистларнинг фаол қисмига таянадиган бошқа самарали тузилмалар вужудга келтирилишини тақозо этмоқда.

Марказий Комитет Котибияти иқтисодиёт соҳасида партия ишини кучайтириш зарур, деб ҳисоблаётган бошланғич партия ташкилотлари котибларининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаб, ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш, хўжалик ишлари сиёсий тусда эканини таъкидлади. Партия ташкилотлари ўзларига хос бўлган ёндашувлардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини, ишлаб чиқариш қувватларидан, машина-ускуналардан фойдаланиш, режалар ва шартномавий мажбуриятларни бажариш, меҳнаткашларнинг яхши пул топишига, жамоаларнинг эса ишлаб чиқаришни кучайтиришига имкон берадиган шарт-шароитларни вужудга келтириш учун жамоаларнинг масъулиятини оширишдаги ташкилотчилик мавқеини кучайтиришлари керак.

Партия ташкилотлари кўпгина жойларда қишлоқ меҳнатчилари билан узилиб қолган алоқаларни тиклашда маъмуриятга ёрдам бера оладилар. Улар жамоаларни ижтимоий ривожлантириш масалалари юзасидан ўз нуқтаи назарларига эга бўлишлари ва уни ҳимоя қилишлари керак. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишда амалий иштирок қилиш партия ташкилотларининг одамлар билан жонли алоқасини, уларнинг одамлар кайфиятига ва хулқ-атворига чинакам таъсир кўрсатишини таъминлайди.

Қарорда шу нарса таъкидланадики, бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ масалалар партиялилар орасида энг мураккаб масаладир. Партия XXVIII съезди қабул қилган қарорларга қарамай, ҳанузгача ушбу жараён қабул қилинмаяпти, иқтисодиётни соғломлаштиришнинг бозордан бошқачароқ, «осонроқ» йўллари хусусида хомхаёллар ҳали ҳам бор, кўпгина коммунистлар бозор омиллари ҳақида тўла тасаввурга эга эмаслар, улар социализм билан бозор бир-бирига мос келмайди, деб нотўғри фикр юритмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси партия ташкилотларини бўғиб қўймоқда, партия ташкилотлари воқеалардан орқада қолишларига ва шу тариқа кўп нарсадан маҳрум бўлишларига олиб келмоқда.

Партия ташкилотлари иқтисодий таълимни зудлик билан йўлга қўйишлари, коммунистларга, жамоаларнинг аъзоларига бозор муносабатлари моҳиятини тушунишда кўмаклашишлари, бозор инфраструктурасини қарор топтиришда ёрдам беришлари, ишлаб чиқаришни структуравий жиҳатдан қайта қуриш, мудофаа саноатини бошқа соҳага йўналтиришнинг самарали воситаларини излашлари, одамларни қайтадан касбга тайёрлаш ва янги касбларга ўргатишга асосий эътиборни қаратишлари лозим. Давлат ва жамоа хўжаликларини мустаҳкамлаш ҳақида ғамхўрлик қилиб, ижарани, фермерликни, хўжалик юритишнинг бошқа янги шаклларини қўллаб-қувватлаш керак. Меҳнат жамоаларини аъзоларини ижтимоий жиҳатдан химоя қилиш масалалари билан жиддий шуғулланишлари, хўжалик ва давлат идораларида меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб қарорлар қабул қилинишига эришишлари зарур. Бошланғич партия ташкилотлари фақат шундай йўл билан жамоаларнинг етакчилари бўлиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Марказий Комитет Котибиятининг қарорида бошланғич партия ташкилотларининг ғоявий-сиёсий ва ташкилотчилик ишига доир тавсиялар бор. Шу босқичда ахборот-тарғибот ишини кучайтириш, унинг шаклларини хилма-хил қилиш, сиёсий ахборотни, лекцияларни, тажрибали тарғиботчилар раҳбарлигида муайян мавзуга бағишланган мунозараларни ва йиғилишларни, партия ходимлари, депутатлар, хўжалик раҳбарлари, фан ва маданият арбоблари билан учрашувларни муттасил ўтказиб туриш зарурлигига эътибор қаратилди. Турли муаммоларни эркин муҳокама қилиш, қарашларни таққослаш, далил-исботли мунозара ўтказишга ўрганиш учун шарт-шароит яратиш, жамоалар ўртасида рўзномаларда чиққан мақолалар ёки телекўрсатувларни муҳокама қилиб туриш керак. Партия комитетларида бошланғич партия ташкилотларида сўзга чиқиш, жамоатчилик мунозараларида қатнашиш учун яхши тайёрланган коммунистлардан иборат махсус гуруҳ тузиш даркор. КПСС XXVIII съезди, Марказий Комитет ва Марказий назорат комиссияси пленумларининг материалларида, КПССнинг мулкчилик, Иттифоқ яхлитлиги, миллий муносабатлар, сиёсатдан холи қилиш, В. И. Ленинни ва унинг таълимотини ҳимоя қилиш, тарихий ёдгорликларни муҳофаза этиш ва бошқа шу каби долзарб масалаларга КПСС муносабати акс этган бошқа партия ҳужжатларидан тарғиботчилик-ташвиқотчилик ишида фаол фойдаланиш лозим.

Жамоатчилик тузилмалари ва ҳаракатлари билан иш олиб боришда ҳар бир жамоадаги ҳақиқий вазиятни назарда тутиш, амалий тотувлик ва ўзаро ҳамкорликка эришиш учун ҳаракат қилиш, айни вақтда сиёсий экстремизм кўринишларига ва фуқароларнинг масъулиятсизлигига қарши туриш зарур. Партия сиёсатини ва партия ташкилотларининг йўлини тушунтириш учун иш тащлаш комитетларига ҳамда ишчилар ҳаракатининг бошқа уюшган шаклларига дадил бориш керак. Касаба уюшмалари, комсомол, хотин-қизлар, фахрийларнинг ташкилотлари билан алоқани ва ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, улар билан келишган ҳолда тез-тез тадбирлар ўтказиб туриш, ана шу ташкилотларда ишлаётган коммунистларнинг масъулиятини ошириш керак.

Бошланғич партия ташкилотлари партия парламент вазифаларини амалга оширишда фаол иштирок этишлари, сайлаб қўйиладиган идораларга номзодларга доир ягона фикрни шакллантиришлари, Советларнинг депутатлари, аввало, коммунистлар билан мунтазам иш олиб боришлари, жойларда ва мамлакатда давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашда уларнинг фаоллигини кучайтиришлари лозим. Давлат ва хўжалик бошқаруви идораларининг хатолари ва янглишишлари учун айбни КПСС ва унинг ташкилотларига юклашга уринишга қарши чиқиш лозим.

Ҳар бир партия ташкилотида ички турмушни кучайтиришга доир кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Цех партия ташкилотлари ва партия гуруҳлари тузилмасини сақлаб қолиш, бундай тузилмалар бузилган жойларда эса уларни қайтадан тиклаш, йиғилишлар мунтазам ўтказилишини йўлга қўйиш, аъзолик бадалларини тўлашда тартиб ўрнатиш, КПССга қабул ишларини кучайтириш даркор. Партия аъзоларига асосан меҳнат жамоаларидаги, жамоат ташкилотларидаги, истиқомат жойидаги иш билан боғлиқ бўлган топшириқлар бериш зарур. Мулоқотдаги етишмовчиликни бартараф этиш, коммунистлар, шу жумладан, хўжалик раҳбарлари билан тез-тез суҳбатлашиб туриш, партия меъёрларидан чекинишнинг бирортасини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик, партия интизомини мустаҳкамлаш зарур. Аниқ шарт-шароитларни ҳисобга олиб меҳнат жамоалари, уларнинг кенгашлари ёки маъмурият билан ўзаро мажбурият олувчи шартномалар тузиш тажрибасини кенгайтириш талаб қилинади. Таъқиб этилаётган партия ташкилотлари ва коммунистлар билан бирдамлик тадбирларини ўтказиш, турдош ва яқин корхоналар партия ташкилотлари билан алоқаларни кенгайтириш зарур.

КПСС Марказий Комитетининг Котибияти бошланғич партия ташкилотлари ишини ташкил этишда ва уларнинг бутун турмушида котибларнинг муҳим аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Уларнинг оғир меҳнатини партия ташкилотлари ва партия комитетлари қўллаб-қувватлаши лозим. Котибларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ишларини кучайтириш, шу мақсадда «КПСС бошланғич партия ташкилоти котибининг мақоми тўғрисида «Низом»дан, амалдаги ҳуқуқий меъёрлардан фаол фойдаланиш лозим бўлади.

Партия бюджети камомади жуда ўткир бўлиб турган шароитда қаттиқ молиявий интизом, тушаётган бадалларни партия комитетларининг ҳисоб варақасига тўла ҳажмда топшириш белгилаб қўйилган тартибига аниқ риоя этиш, маблағни тақсимлаш масалаларида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, уларнинг ўзаро ёрдами, сарфланган ҳар бир сўмни назорат қилиш, айниқса, зарур. КПСС Уставида кўзда тутилган партия бюджетини тўлдириш йўлларидан фаол фойдаланиш керак.

Район, шаҳар партия комитетлари партия ташкилоти фаолиятини чуқур ўрганишлари, ўз куч-ғайратларини уларга бевосита ёрдам беришга қаратишлари керак. Котиблар ва фаоллар ўқувини мунтазам ўтказиш, ўз ишини бошланғич партия ташкилотлари эҳтиёжини ҳисобга олиб ташкил этиш, уларнинг ҳар бирига етиб бориш талаб қилинади. Фаол мададга муҳтож бўлган кам сонли партия ташкилотларига алоҳида эътибор бериш лозим.

КПСС Марказий Комитетининг Котибияти иттифоқдош жумҳуриятларнинг Компартиялари Марказий Комитетларига, жумҳурият, ўлка, вилоят партия комитетларига ўз минтақаларидаги бошланғич партия ташкилотлари амалий ишлари ва тажрибасини мунтазам ўрганишни, улар билан алоқани мустаҳкамлашни тавсия қилди. Бошланғич партия ташкилотлари котиблари кенгашининг мунтазам ишлаши таъминлансин, улар янги шароитда иш тажрибасини фаол тўплаб оммалаштиришига, жойларда амалий ишларда ёрдам беришига эришилсин. Минтақа учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсадлар ва вазифалар ўз вақтида қўйилиб, партия ташкилотлари ва коммунистлар эътибори ана шу мақсадлар ва вазифаларни амалга оширишга қаратилсин, партия ташкилотларига қарши ғайриқонуний ҳаракатлар чоғида ўзаро мадад беришни ташкил этишни ва тўғри ижтимоий фикрни шакллантиришни ўз зиммасига олсин.

Ташкилий бўлимнинг КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги бошланғич партия ташкилотлари котиблари кенгашида кўриб чиқилган «Бошланғич партия ташкилотлари котибларининг зонал кенгашлари якунларига доир» ахборотномасини «Партийная жизнь» ва «Известия ЦК КПСС» журналларининг навбатдаги сонларида эълон қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

● Раъно Турғунова — Тошкентдаги «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 4-филиали талабчан назоратчиси. Унинг зийрак нигоҳидан ўтган тайёр кийим-кечаклар ҳамиша харидоргир бўлади. Чунки назоратчи тикувчилар ишини обдон таҳлил этади — нуқсонларини аниқлайди, улар бартараф этилиши учун зарур чоралар кўради.

СУРАТДА: корхонанинг техника назорати бўлими энг яхши мутахассиси Р. Турғунова.

Суратқаш Т. КАРИМОВ.

● ФАРҒОНА

ДЎСТЛАР ДИЙДОРИ

Қувасой ва Ўш вилоятининг Қизилқия шаҳарлари ўзаро қўшни. Улар бир дарёдан сув ичиб, Помир тоғи шабадасидан баҳраманд бўладилар. Қувончлари ҳам, муаммолари ҳам муштарак.

Ҳар иккала шаҳар жамоатчилигининг ёз ойлари бошида ўзаро бир-бирларини меҳмонга чорлаш анъанага айланган. Яқинда Қувасойда Қизилқия куни ўтказилди. Шаҳардаги маданият ва истироҳат боғида, кўча ва майдонларда ўзига хос тантана, учрашув ва сайиллар бўлди. Ҳар иккала шаҳар партия, совет ходимлари, уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этишди. Бадиий ҳаваскорлик дасталари, аскиячиларнинг чиқишлари ва мушоиралар кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Полвон қизиқчиларнинг чиқишлари қазиқарли бўлди.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ КОМИТЕТИДА

6 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо комитетининг мажлиси бўлди.

«Ўзбекистон ССРда Кооперация тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунининг лойиҳаси муҳокама қилинди. Мазкур қонунни тайёрлаётган мутахассислар ишчи гуруҳи раҳбарининг маърузаси тингланди.

Мажлисда «Ўзбекистон ССРда Корхоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни талабларини бажариш ва шу асосда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш юзасидан Наманган вилояти халқ депутатлари маҳаллий Советларининг иши тўғрисида»ги масала ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзТАГ).

● ОҚЛОВ

МУШТАРИЙЛАР ҚАЛБИДАН ЖОЙ ОЛГАНДИ...

«Мен ҳозир 72 ёшга кирдим. 1930 йилда «Янги Фарғона» рўзномасига муҳаррирлик қилаётган вақтимда ОГПУ тарафидан қамалдим. Мени ҳеч бир шанимда йўқ ишлар билан айбладилар. Қамалганимдан сўнг 1,5 йил ўтгач, РСФСР жиноят кодексининг 58/4, 58/10-моддалари билан айблаб, судсиз 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилишди. Ҳукм муддатини ўташ жойида яхши хизмат қилганлигим учун 1937 йилда озод этилдим. Паспорт, партия билетим, округ партия қўмитаси бюросининг ва округ ижроқўми раёсатининг аъзоси эканлигим тўғрисидаги ва бошқа ҳужжатларим 1930 йил 1 февралда ОГПУ тарафидан олинган... Халқ ичида ҳурматим қалбгача сақланса ҳам, ўша машъум воқеанинг доғи пешонамда эканлигини қариганим сари кўпроқ сеза бошладим. Шунинг учун Сизга мурожаат қилиб шу доғни ювиб ташлашда ёрдам беришингизни илтимос қиламан»...

Ушбу алам билан битилган сатрларни ўзбек совет матбуотининг илк қалдирғочларидан бири, 1930 йилда ноҳақ қатағонга учраб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган публицист, муҳаррир Лутфилла Олимовнинг 1965 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси биринчи котиби номига ёзилган аризасидан олдик. Л. Олимов муштарийлар қалбидан жой олган, ҳамкасбларига ўрнак бўлган отаси журналист эди.

У 1893 йилда Наманган шаҳрида ўрта ҳол деҳқон оиласида дунёга келди. Дастлабки сабоқни онасидан олди. Кейинчалик шаҳардаги эски мактаблардан бирида ўқий бошлади. У ердаги таълим Лутфиллани қаноатлантира олмади. 1914 йилда катта қийинчиликлар билан рус-тузем мактабига кириб, ўқишни давом эттиради. Шу йилнинг куз фаслидан муаллимлик қила бошлайди. Ўқиб юрган пайтида тирикчилик тақозоси билан пахта заводида ҳам ишлайди.

Ўша даврдаги оғир шароит, моддий қийинчилик Лутфилланинг илмга бўлган ихлосини сўндира олмади. У Уфадаги «Мадрасаи олий»га ўқишга боради. Уфада шарқ классик адабиётини чуқур ўрганади. «Шўро», «Вақт», «Мулла Насриддин» каби татар, озарбайжон тилларидаги рўзнома ва жаридалар орқали Абдулла Тўқай, Мирзаали Собир асарлари билан танишиб, шеърлар машқ қилади. Туркистонлик ёшларни маърифатли, маданиятли бўлишга чорлайди. Бу фикрлари «Садойи Туркистон» рўзномаси, «Шўро» жаридасида босилган илк шеър ва мақолаларида ҳам ўз ифодасини топди. Лекин, етишмовчиликлар, моддий қийинчиликлар туфайли бир йил ўтгач — 1917 йилда ўқишни ташлаб, Наманганга қайтиб келишга мажбур бўлади. Аввал ишлаган мактаби бойлар томонидан ёпиб қўйилганлиги учун муаллимликни ҳам давом эттира олмади.

Октябрь инқилоби ғалаба қозонгач, Л. Олимов «Наманган тараққийпарвар ёшлар жамияти»га аъзо бўлиб киради ва 1918 йилнинг сентябрь ойидан Наманганда чиқа бошлаган «Ишчилар қалқони» рўзномасида масъул котиб вазифасида ишлай бошлайди. Мазкур рўзнома Фарғона водийсида ташкил этилган партия матбуотининг илк қалдирғочи эди. Нашрнинг дастлабки сонларида Лутфилло Олимов ёзган «Маслак ва мақсад» номли бош мақоласида матбуот органи қайси ғоя йўлида хизмат қилишини кўрсатади. Лутфилло Олимов номи билан битилган «Тиканли гул» шеърий тўплами ҳам шу йилларда чоп этилган. Журналист бадиий ижод билан ҳам изчил шуғулланади. Шеърларида озодликни куйлайди, бойларнинг кирдикорларини фош қилади. «Ишчилар қалқони»да тўрт йил ишлаб, ишчи ва деҳқон меҳнатини улуғловчи очерклар ва сиёсий мақолалар ёзади. Шарқ труппаси артистлари томонидан саҳналаштирилган «Омон полвон» пьесасида муаллиф халқ осойишталигини бузган, гуноҳсиз одамлар қонини тўккан Омон қўрбошининг қора ишларини аёвсиз фош қилди. Бойлар ҳамда босмачилар журналист ва ёзувчини кофир, деб қувғин остига оладилар.

Лутфилла Олимов шаҳар халқ маорифи бўлими мудири, шаҳар ижроқўмида масъул котиб вазифаларида самарали ишлайди. 1925 йилда партия сафига қабул қилинади. Фарғона округ партия ташкилоти конференциясига делегат қилиб сайланади. Округ партия қўмитасининг пленуми уни «Янги Фарғона» рўзномасига муҳаррир ўринбосари этиб тайинлайди. Кейинчалик у муҳаррир этиб тайинланади. Ўз атрофига ёш комсомоллар ва фаол курашчилар бўлмиш Шариф Ризо, Абдулла Қаҳҳор, Комил Нўъмонов (Яшин), Рафиқ Мўмин, Абдуллажон Қосимий, Муҳаммад Шариф, Сўфизода каби ижодкорларни йиғади. Қўқонда у Ҳ. Ҳ. Ниёзий билан учрашади.

Л. Олимов партия топшириқларини бажариш билан биргаликда сиёсий тўгараклар раҳбарлик ҳам қилади. Партия XXVIII съезди қабул қилган қарорларга қарамай, ҳанузгача ушбу жараён қабул қилинмаяпти, иқтисодиётни соғломлаштиришнинг бозордан бошқачароқ, «осонроқ» йўллари хусусида хомхаёллар ҳали ҳам бор, кўпгина коммунистлар бозор омиллари ҳақида тўла тасаввурга эга эмаслар, улар социализм билан бозор бир-бирига мос келмайди, деб нотўғри фикр юритмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси партия ташкилотларини бўғиб қўймоқда, партия ташкилотлари воқеалардан орқада қолишларига ва шу тариқа кўп нарсадан маҳрум бўлишларига олиб келмоқда.

Партия ташкилотлари иқтисодий таълимни зудлик билан йўлга қўйишлари, коммунистларга, жамоаларнинг аъзоларига бозор муносабатлари моҳиятини тушунишда кўмаклашишлари, бозор инфраструктурасини қарор топтиришда ёрдам беришлари, ишлаб чиқаришни структуравий жиҳатдан қайта қуриш, мудофаа саноатини бошқа соҳага йўналтиришнинг самарали воситаларини излашлари, одамларни қайтадан касбга тайёрлаш ва янги касбларга ўргатишга асосий эътиборни қаратишлари лозим. Давлат ва жамоа хўжаликларини мустаҳкамлаш ҳақида ғамхўрлик қилиб, ижарани, фермерликни, хўжалик юритишнинг бошқа янги шаклларини қўллаб-қувватлаш керак. Меҳнат жамоаларини аъзоларини ижтимоий жиҳатдан химоя қилиш масалалари билан жиддий шуғулланишлари, хўжалик ва давлат идораларида меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб қарорлар қабул қилинишига эришишлари зарур. Бошланғич партия ташкилотлари фақат шундай йўл билан жамоаларнинг етакчилари бўлиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Марказий Комитет Котибиятининг қарорида бошланғич партия ташкилотларининг ғоявий-сиёсий ва ташкилотчилик ишига доир тавсиялар бор. Шу босқичда ахборот-тарғибот ишини кучайтириш, унинг шаклларини хилма-хил қилиш, сиёсий ахборотни, лекцияларни, тажрибали тарғиботчилар раҳбарлигида муайян мавзуга бағишланган мунозараларни ва йиғилишларни, партия ходимлари, депутатлар, хўжалик раҳбарлари, фан ва маданият арбоблари билан учрашувларни муттасил ўтказиб туриш зарурлигига эътибор қаратилди. Турли муаммоларни эркин муҳокама қилиш, қарашларни таққослаш, далил-исботли мунозара ўтказишга ўрганиш учун шарт-шароит яратиш, жамоалар ўртасида рўзномаларда чиққан мақолалар ёки телекўрсатувларни муҳокама қилиб туриш керак. Партия комитетларида бошланғич партия ташкилотларида сўзга чиқиш, жамоатчилик мунозараларида қатнашиш учун яхши тайёрланган коммунистлардан иборат махсус гуруҳ тузиш даркор. КПСС XXVIII съезди, Марказий Комитет ва Марказий назорат комиссияси пленумларининг материалларида, КПССнинг мулкчилик, Иттифоқ яхлитлиги, миллий муносабатлар, сиёсатдан холи қилиш, В. И. Ленинни ва унинг таълимотини ҳимоя қилиш, тарихий ёдгорликларни муҳофаза этиш ва бошқа шу каби долзарб масалаларга КПСС муносабати акс этган бошқа партия ҳужжатларидан тарғиботчилик-ташвиқотчилик ишида фаол фойдаланиш лозим.

Жамоатчилик тузилмалари ва ҳаракатлари билан иш олиб боришда ҳар бир жамоадаги ҳақиқий вазиятни назарда тутиш, амалий тотувлик ва ўзаро ҳамкорликка эришиш учун ҳаракат қилиш, айни вақтда сиёсий экстремизм кўринишларига ва фуқароларнинг масъулиятсизлигига қарши туриш зарур. Партия сиёсатини ва партия ташкилотларининг йўлини тушунтириш учун иш тащлаш комитетларига ҳамда ишчилар ҳаракатининг бошқа уюшган шаклларига дадил бориш керак. Касаба уюшмалари, комсомол, хотин-қизлар, фахрийларнинг ташкилотлари билан алоқани ва ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, улар билан келишган ҳолда тез-тез тадбирлар ўтказиб туриш, ана шу ташкилотларда ишлаётган коммунистларнинг масъулиятини ошириш керак.

Бошланғич партия ташкилотлари партия парламент вазифаларини амалга оширишда фаол иштирок этишлари, сайлаб қўйиладиган идораларга номзодларга доир ягона фикрни шакллантиришлари, Советларнинг депутатлари, аввало, коммунистлар билан мунтазам иш олиб боришлари, жойларда ва мамлакатда давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашда уларнинг фаоллигини кучайтиришлари лозим. Давлат ва хўжалик бошқаруви идораларининг хатолари ва янглишишлари учун айбни КПСС ва унинг ташкилотларига юклашга уринишга қарши чиқиш лозим.

Ҳар бир партия ташкилотида ички турмушни кучайтиришга доир кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Цех партия ташкилотлари ва партия гуруҳлари тузилмасини сақлаб қолиш, бундай тузилмалар бузилган жойларда эса уларни қайтадан тиклаш, йиғилишлар мунтазам ўтказилишини йўлга қўйиш, аъзолик бадалларини тўлашда тартиб ўрнатиш, КПССга қабул ишларини кучайтириш даркор. Партия аъзоларига асосан меҳнат жамоаларидаги, жамоат ташкилотларидаги, истиқомат жойидаги иш билан боғлиқ бўлган топшириқлар бериш зарур. Мулоқотдаги етишмовчиликни бартараф этиш, коммунистлар, шу жумладан, хўжалик раҳбарлари билан тез-тез суҳбатлашиб туриш, партия меъёрларидан чекинишнинг бирортасини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик, партия интизомини мустаҳкамлаш зарур. Аниқ шарт-шароитларни ҳисобга олиб меҳнат жамоалари, уларнинг кенгашлари ёки маъмурият билан ўзаро мажбурият олувчи шартномалар тузиш тажрибасини кенгайтириш талаб қилинади. Таъқиб этилаётган партия ташкилотлари ва коммунистлар билан бирдамлик тадбирларини ўтказиш, турдош ва яқин корхоналар партия ташкилотлари билан алоқаларни кенгайтириш зарур.

КПСС Марказий Комитетининг Котибияти бошланғич партия ташкилотлари ишини ташкил этишда ва уларнинг бутун турмушида котибларнинг муҳим аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Уларнинг оғир меҳнатини партия ташкилотлари ва партия комитетлари қўллаб-қувватлаши лозим. Котибларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатд

Эртага—Енгил саноат ходимлари куни

ХАМИР УЧИДАН ПАТИР

- Дастлабки беш минг жуфт пойабзал
- Юқори малакали ёшлар корхонаси
- Ишчи эҳтиёжи — маъмурият эътиборида
- Лойиҳа қувватига эришиш — биринчи галдаги вазифа

Савдо пештахталарида болалар оёқ кийими анқонинг уруғи бўлиб қолган бир пайтда Ғиждувонда Бухоро пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг янги филиали очилди. У пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган фабрика бўлиб, ҳозирги шароитда аҳоли эҳтиёжини қондиришга хизмат қила бошлади. Янги корхонанинг лойиҳа қуввати йилига 800 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Лойиҳа қувватларини ўзлаштириш учун эса 1,5 йил муддат белгиланди.

Фабриканинг фойдаланишга топширилиши бирданига қатор масалаларни ҳал этиш имконини беради. Шулардан бири ишсизлик муаммосини ҳал этишга кўмаклашади. Айни маҳалда корхонада 430 киши ишламоқда. Ишчиларнинг деярли ҳаммаси 18—20 ёшли йигит-қизлардан иборат. Фабрика ишга тушиши билан маҳаллий ишчи кадрлар кўпайиб, уларнинг малакаси ошяпти. Улар янги касбларни тез ўзлаштирмоқдалар. Кўпчилик ёшлар Бухородаги ҳунар-техника билим юртини тугатганларидан кейин олти ойдан уч йилгача муддатда турдош корхоналарда иш ўрганадилар, малака ҳосил қиладилар. Ғиждувонлик ёшларнинг дастлабки гуруҳи Ульяновск, Уфа, Тошкент бирлашмаларида, Бухородаги бош корхонада касб малакасини ўзлаштириб, 4—5 разряд билан янги фабрикага ишга келишди.

Корхонанинг тикувчилик ва бичиқчилик цехларини айланар эканмиз, серғайрат кўпгина йигит-қизлар энг замонавий совет ва чет эл ускуналарида ишлаётганини кўрдик. Улар тайёрлаётган маҳсулотлар сифати унча-мунча корхоналарда тайёрланаётганидан қолишмайди. Ёшларнинг касбига иштиёқи тайёр маҳсулотлар бежиримлигидан сезилиб турибди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш билан бир вақтда қурилиш-монтаж ишлари ҳам давом этмоқда. Жумладан, кимёвий технология цехида ускуналар ўрнатиляпти. Оммавий тақчиллик шароитида уларни излаб топиш осон бўлмади, албатта. Янги цех ишга тушгач, хом ашёни турли рангларга бўяш жараёни ҳам шу ерда адо этиладиган бўлади. Натижада фабрика ўзинигина эмас, балки бирлашмадаги барча корхоналарни ҳам бўялган—гул босилган маҳсулот билан таъминлаш имконияти яратилади.

Фабрика директори Субҳон Ҳотамов билан суҳбатимиз янги корхонанинг тезроқ лойиҳа қувватига эришиши муаммолари тўғрисида борди. Бундан беш йил муқаддам Бухоро енгил ва озиқ-овқат саноати технологияси институтини тугатаётган ёш йигит қисқа муддатда Бухородаги бош корхонада мастерликдан бош инженерликкача бўлган лавозим пиллапояларини босиб ўтди. Ғиждувонда филиал очилгач, унинг директорлигига тайинланди— қадрдон шаҳрига билимдон мутахассис бўлиб қайтди.

Меҳнат жамоаси энди шакллаётган корхонада эса раҳбарнинг ташвишлари оз эмас. Кўпчилик ишчилар анча узоқ қишлоқлардан қатнаб ишламоқдалар. Транспорт масаласи ҳал қилинмаган. Айниқса, иккинчи сменада ишловчиларни ташишда катта қийинчиликлар юз бермоқда. Юқори ташкилотлар, вилоят ижроия қўмитаси бу муаммони ҳал қилишда ёш жамоага зудлиқ билан амалий ёрдам кўрсатиши лозим.

Ёш директор бошлиқ фабрика маъмурияти жамоа эҳтиёжларини қондиришга қаратилган чоралар кўряпти. Аксар ҳолларда манший масалалар муваффақиятли ҳал қилинмоқда. Корхона ҳузурида 75 ўринли ошхона, буфет ишга тушди. 190 ўринли болалар боғчаси фойдаланишга топширилиш арафасида. Ишчи оилалар учун 60 квартирали уй қурила бошланди.

— Аммо хом ашё муаммосини ҳал этишда ожизлик қилмоқдамиз, — дейди С. Ҳотамов. — Дастлабки йилда 270 минг жуфт болалар пойабзали ишлаб чиқариш режаси белгиланган. Бунинг учун 10 миллион дециметр чарм хом ашёси керак. Самарқанд кўнчилик заводи эса ҳозиргача келишилганидан беш баравар кам хом ашё етказиб берди. Бундай шароитда эндигина ишга тушган корхона тўхтаб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

Директор ҳақ. Хом ашё масаласини ҳал қилмай туриб муваффақиятга умид боғлаш қийин. Меҳнат жамоаси эса яхши орзу-умидлар билан баракали меҳнат қилмоқда. Шундай бўлса-да, корхонанинг дастлабки беш минг жуфт пойабзали жумҳурият савдо тармоқлари пештахталарига чиқди. Бу—хамир учидан патир. Меҳнаткашлар Ғиждувон пойабзалини чаққон харид қилишмоқда.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КАДРЛАР ЎҚУВИ

Сиёсатшунослик ва бошқарув илмгоҳи раҳбар кадрлар ва мутахассислар малакасини ошириш факультетида шаҳар, район партия комитетлари мафкура масалалари билан шуғулланувчи котибларининг, Ўзбекистон ва Тожикистон Компартиялари вилоят комитетлари мафкура бўлимлари масъул ходимларининг икки ҳафталик ўқиши ниҳоясига етди.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида партия комитетлари ва партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш, ижобий тажрибани таҳлил этиш ва мушоҳада қилиш лекциялар, суҳбатлар, мунозаралар, амалий машғулотларнинг асосий мавзуи бўлди. Тингловчилар КПСС XXVIII съезди қарорларини, Ўзбекистон ва Тожикистон Компартиялари дастурий ҳужжатларини амалга оширишга алоқадор бир қанча муаммоларни муҳокама қилдилар.

Партия, совет ходимлари, олимлар, вазирликлар ва комитетларнинг раҳбарлари тингловчилар ҳузурида лекциялар ўқишди, улар билан суҳбатлашишди.

Мафкура ишларини янгилашга доир мунозара қизиқарли бўлди. Ўнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Ю. Юсупов қатнашди.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. С. Самандаров ижтимоий соҳани, фан ва маданиятни, адабиётни ривожлантириш йўллари ҳақида давра суҳбати ўтказди.

Олмалиқ шаҳар ва Ғалаба район партия комитетларида кўчма амалий машғулотлар бўлди.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚПАРВАР РАҲБАР ЭДИ

Жамоат арбоби Ўрзи Маҳмудов таваллудининг 80 йиллигига

Одатда ўз тақдирини оддий одамлар тақдири билан боғлаган, халққа суяниб, партияга таяниб, элга ҳалол хизмат қилган зотлар жамият ҳаётида сезиларли из қолдирадилар. Бунга жумҳуриятимиз тарихида мисоллар жуда кўп. Таниқли партия ва давлат арбоби Ўрзи Маҳмудовнинг ҳаёти ва ижтимоий фаолияти ҳам шундай ёрқин мисоллардан биридир. Бу ажойиб инсон ўз ҳаёти давомида халққа, партияга, эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилган эди.

...Ўрзи ота-онасидан ёшлигида етим қолиб Каттақўрғон районидаги болалар уйида тарбияланди. Ўша пайтларда унинг масъум ва беғубор қалбида ўзи каби етимларни бағрига олиб, бошини силаган партия ва Совет ҳокимиятига, меҳри дарё халқимизга катта меҳр-муҳаббат пайдо бўлади. Ана шу меҳр-муҳаббат Ўрзи мактабда ўқиб юрган кезларида янада мустаҳкамланди, бора-бора чуқур эътиқодга айланди. «Улуғ Октябрь социалистик инқилоби бутун халқимиз, жумладан, менинг ҳаётимда ҳам ҳал қилувчи роль ўйнади, — деган эди кейинчалик ёшлар билан қилган суҳбатларидан бирида Ўрзи Маҳмудов. — Халқимиз инқилоб туфайли саодатга эришди. Агар инқилоб бўлмаганида биздек етимларга бундай рўшнолик қаерда эди?! Шундай экан, мен ҳамиша Коммунистик партия ва Совет ҳокимиятига, меҳнаткаш халқимизга таъзим қиламан. Уларга ихлос ва садоқат билан хизмат қиламан».

Ўрзи Маҳмудов бутун фаолияти давомида ўзининг ана шу содда, айни пайтда сермаъно сўзларига қатъий амал қилди. Қаерда ва қандай лавозимда ишламасин, ҳалол меҳнат қилиб, эл-юрт, партия ишончини шараф билан оқлади.

Ўрзи Маҳмудов 1929—1939 йилларда Каттақўрғон, Булунғур, Жомбой районларида аввал ўқитувчи, мактаб директори, сўнгра район халқ маорифи бўлимининг мудири вазифаларида ишлаб, қишлоқларда саводсизликни тугатиш, меҳнаткашлар шуурига зиё нурини таратиш, маданий инқилобни амалга оширишда жонбозлик кўрсатди.

Улуғ Ватан уруши йилларида эса у ўша маҳалда энг оғир ва масъулиятли бўлган лавозимларда кечани кеча, кундузни кундуз демай, фидойилик билан меҳнат қилиб, ватанпарварлик хислатларини намойиш этди. 1940—1943 йилларда Жомбой район Кенгаши ижроия қўмитаси раиси, 1943—1946 йилларда Пахтакор (ҳозирги Пахтачи) район партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлади.

Ўрзи ака пахтачиликка ҳам, чорвачиликка ҳам, мактаб-маориф ишига ҳам бирдек катта эътибор берарди. Оғир уруш йилларида Пахтачи райони деярли очарчиликни кўрмади. Чунки ўша даврда районда катта майдонларга ғалла экилганди. Барча оилалар, ҳатто райком котиби оиласи ҳам ўз тиркичилигига яраша ғалла экди. Бу, албатта, район раҳбари Ўрзи аканинг тадбиркорлиги туфайли эди»,— деб эслайди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Исмоил Зокиров.

Урушдан кейинги йилларда Ўрзи Маҳмудовнинг ташкилотчилик истеъдоди, раҳбарлик маҳорати янада зўр куч билан намоён бўлди. Бинобарин, уни, аввало, Самарқанд вилоят ижроия қўмитаси раиси қилиб сайладилар. Бу лавозимда Ўрзи Маҳмудов 1946—1950 йилларда ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилди. Уруш туфайли вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш соҳасида кўпгина тадбирларни амалга оширди. Натижада талабчан, айни вақтда кишилар қалбига йўл топа оладиган меҳрибон раҳбар сифатида унинг эл орасида иззат-обрўйи ошди.

Шундан сўнг Ўзбекистон коммунистлари Ўрзи Маҳмудовга янада масъулиятлироқ, янада оғирроқ вазифаларни ишониб топширдилар. У қарийб ўн беш йил давомида Қашқадарё, Қорақалпоғистон ва Самарқанд вилоятлари партия қўмиталарининг биринчи котиби бўлиб ишлади. Бу даврда у ана шу ўлка ва вилоятлар халқ хўжалигини, иқтисодиётини, маориф-маданиятини, соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Масалан, Ўрзи Маҳмудов Самарқанд вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган йилларида доимо халқ ва партия фаолларига қаттиқ таяниб, улар билан бамаслаҳат иш олиб борди. Асосий эътиборни меҳнаткаш инсон ҳаётини яхшилашга, омманинг ташаббускорлигини кўтаришга, фикрини ўстиришга қаратди. Коммунист-раҳбар сифатида ташаббускорлик, фидойилик, ҳалол ишлаб, ҳалол яшаш намунасини амалда кўрсатди.

Ўрзи Маҳмудов ишнинг кўзини билар, раҳбарлик масъулиятини чуқур ҳис этар, айниқса, қийин шароитларда раҳбар ўз шахсий меҳнати билан бошқаларга ўрнак бўлиши лозим, деб тушунар эди. Шу жиҳатдан унинг уруш даврида Фарҳод ГЭСи қурилишида вилоят раҳбари сифатида бунёдкорларга намунали етакчилик қилгани диққатга сазовордир. Ўша халқ қурилиши қатнашчилари Ўрзи Маҳмудов қийин вазиятларда, ишчи кучи етишмай қолган пайтларда қўлига кетмон олиб астойдил ишга тушиб кетганлигини, ширин сўзи, маслаҳати билан кўпчиликнинг кўнглига малҳам бўлганлигини мамнуният билан хотирлайдилар.

— Ҳақиқатан ҳам, Ўрзи Маҳмудовнинг фазилатлари кўп бўлган, — дейди у ҳақда Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими А. Григорян. — Ўрзи Маҳмудовга ўхшаган мард, одил, доно ва камтар кишилар ҳаётда кам бўлади. Мен у киши билан бирга ишлаб, ишчанлигига, тадбиркорлигига қойил қолганман.—Ўрзи ака инсонни сўзига ёки бойлигига қараб эмас, балки ишига, виждонига қараб қадрлар эди. У дўст-ўртоқ танлашда мансабига, ёшига, миллатига қараб ўтирмасди. Кишининг яхши фазилатларини, ишчанлигини сездими, у билан апоқ-чапоқ бўлиб кетаверарди. Жуда кечиримли, мулоҳазали инсон эди. Ўрзи ака халқ ва давлат мулкини дахлсиз деб билар, бу мулкни талон-тарож қилишга асло чидай олмас эди».

Юқорида келтирилган мисоллардан кўринадики, оташқалб коммунист Ўрзи Маҳмудов том маънода янги типдаги халқпарвар раҳбар, сўзи ҳам, виждони ҳам пок бўлган мард инсон эди. У ўз ҳаётини, орзу-умидларини халқ ва жумҳурият тақдири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тушунарди. Шу боисдан раҳбарлик вазифаларида ишлаган кезларида меҳнаткашлар турмуш маданиятини оширишга, ёш авлодни меҳнатсевар, ватанпарвар, эътиқодли, виждонли кишилар қилиб тарбиялашда жон куйдирар эди. Ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук кишилар қилиб вояга етказишни давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим иш, деб билар эди.

Ўрзи ака комсомол тарбиялаган ажойиб ўғил-қизларни дадиллик билан масъул вазифаларга тавсия этар эди. Шу тариқа кўпгина ёшларга устозлик қилган, уларнинг униб-ўсишига астойдил кўмаклашган. Шогирдлари ҳозирги кунда жумҳурият халқ хўжалигининг турли соҳаларида, турли лавозимларда ишламоқдалар, устоз анъаналарини, эзгу ишларини давом эттирмоқдалар. Бағри кенг инсон, халқпарвар раҳбар Ўрзи Маҳмудовнинг барҳаётлиги ҳам аввало ана шунда.

Оддий халқдан етишиб чиққан ажойиб раҳбар Ўрзи Маҳмудовнинг эл-юрт олдидаги катта хизматлари муносиб тақдирланган. У уч марта Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси», Қизил Юлдуз, II даражали Улуғ Ватан уруши орденлари ва қатор медаллар билан мукофотланган. Халқ ўз фарзандига ишонч билдириб, уни бир неча марта СССР Олий Кенгашига, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига депутат этиб сайлаган. Ўрзи Маҳмудов 1942 йилдан то умрининг охиригача (1970 йилгача) Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг аъзоси бўлган.

Эл-юрт меҳрини қозонган, халққа, Ватанга беминнат, ҳалол хизмат қилган кишилар ҳамиша барҳаётлар. Катта инсоний қалб эгаси, толмас ташкилотчи Ўрзи Маҳмудов ҳам ана шундайлар сирасига киради.

С. МИРЗАЕВ,
А. Навоий номидаги Самарқанд давлат дорилфунуни профессори.

Самарқанддаги «Красний двигатель» заводида янги маҳсулот тури ўзлаштирилди. Энди бу ерда «Жигули» автомобили ва тракторлар учун эҳтиёт қисмлар тайёрлаш билан бирга, «Икарус» автобуси двигателларига гильза ва поршенлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

Бу ишни заводда ташкил этилган «Икарус» кичик корхонаси бажармоқда. Корхонада мамлакатимизда тайёрланган дастгоҳлар такомиллаштирилиб, янгича технология жорий этилди. Ҳозир ушбу ускуналар ёрдамида ойига 2 минг дона камёб эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

СУРАТДА: кичик корхонанинг тажрибали ишчилари В. Сакович (чапда) ва В. Дорошинлар иш устида.

Р. ҒОФУРОВ (ЎзТАГ) олган сурат.

АНОЙИНИНГ ОЛМАСИ

(«ПРАВДА» РУЗНОМАСИДА БОСИЛГАН «КУРАШДАН ЧАРЧАДИМ...» (1991 ЙИЛ 17 АПРЕЛЬ) САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА ХУСУСИДА).

Бир раис «йўли»ни топиб, ўз колхозида етиштирилган ортиқча маҳсулотларни Ўзбекистон учун ҳозир, айниқса, зарур бўлиб турган ёғоч-тахта, қувур, ун ва шакарга айирбошлаётган экан, хўш, бунинг нимаси ёмон, деб ўйлаб қоласан. Бехтиёр бу «тадбиркорлик»ка қаршилик қилишдан муддао нима ўзи, деган савол туғилади. Қаранг, қурилиш материалига навбатда турганларнинг кети узилмайди! Гўшт, ёғ, шакар, ун ва ҳоказо маҳсулотлар талон билан сотиляпти.

Тошкентнинг «Олой» бозорида шу кунларда бир килограмм асални 25—27 сўмга, бир килограмм олмани 15 сўмга, нокни 18 сўмга, майиз-туршакни 18—25 сўмга, листа-бодомни 25—30 сўмга, пиёз-сабзининг ҳар килограммини учтўрт сўмга олаётган харидор ҳам, уни сотаётган деҳқон ҳам нима учун доимо тўкин дастурхонли Ўзбекистонда нарх-наво узоқ Сибирь билан бир хил бўлиб қолди, деган ҳақли саволга жавоб изламоқда. Бунинг учун озиқ-овқат маҳсулотларига давлат буюртмаси тартибга солиниши, энг аввало, ўз халқимизнинг эҳтиёжи қондирилиши зарур. Четга мол олиб чиқиб кетишга қачон чек қўйилади, деган талаблар янада қаттиқроқ эшитилмоқда.

Дарвоқе, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Халқ истеъмоли моллларининг бир қанча турларини Ўзбекистон ССРдан ташқарига олиб чиқиб кетишни чеклаш тўғрисида»ги (1990 йил 20 апрель) қароридан кейин бу борада анча ишлар қилинди. Аммо харидоргир истеъмол моллларининг, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларининг қонунсиз равишда четга чиқиб кетишини бутунлай тўхтатиб бўлмайди. Бир бурда нонни ҳам дўстга тутиш одатимизни пеш қилган айрим хотамтойлар машина-машина, вагон-вагон харидоргир молларни, ишлоқ хўжалик маҳсулотларини бошқа жумҳуриятлар, хусусан, РСФСРдаги ўзларига ўхшаш «уддабуронлар»га пуллаш пайида бўлдилар. Озиқ-овқат у ёққа, пул эса бу ёққа оқиб турди. Шундан кейин истеъмол моллари билан таъминланмаган пул кундан-кунга қадрсизланиб, бозорларимиздаги нарх-наво Сибирдагидан қолишмайдиган бўлиб қолди. Эндиликда Ўзбекистон ҳукумати истеъмол бозорини барқарорлаштириш учун яна қатъий чоралар кўра бошлади.

Андижон вилоят Совет-обод шаҳридаги «Дўстлик» жамоа хўжалигидан Москвага йўл олган, озиқ-овқат маҳсулотлари ортилган учта юк машинаси ҳам ўша кунларда ушлаб қолинди. Бундан кейинги можаролар-ни ана шу жамоа хўжалиги раиси Рустам Усмонов биз юқорида тилга олган «Курашдан чарчадим...» сарлавҳали мақоласида жуда чиройли тасвирлаб берган. Бу ғоят таъсирли «ҳикоя»нинг замиридаги асл мақсад қуйидагича: «Ўғри умрида биринчи марта тўғри яшаб кўрмоқчи бўлибди-ю, қўлга тушиб дакки эшитибди. Жиноятчи ҳалол, батартиб кун кўришга урингани учун доғда қолибди. Чунки бу ерда энг катта раҳбардан тортиб ҳуқуқ-тартибот идораларигача муттаҳамларнинг ва товламачиларнинг тегирмонига сув қуйиб яшашга одатланишган эди. Шунчалар саъйи-ҳаракатимизга қарамасдан Ўзбекистонда аҳвол ҳеч ўнгланмаётир. Начора, букрини гўр тўғрилар экан-да. Агар унда-бунда йилт этиб кўзга ташланиб қоладиган яхши кишиларни, фақат нон-чой билан тирикчилик ўтказаётган бечора халқни ўйламаганимизда уларга сира ғамхўрлик қилмаган бўлар эдик. Эҳ, яхшиликни билмаган...».

Энди бозорларимизни ғорат қилаётган устамонликнинг 1991 йилги шаклашамойилига бир назар солайлик. Шартномага кўра «Дўстлик» жамоа хўжалиги Москвага 1991 йилнинг июнь ойидан бошлаб 300 минг банка турли хил мева шарбатлари, 190 минг банка қулупнай, анжир ва бошқа мева қиёмлари, бир миллион банка сабзавот консервалари, 100 тонна қуруқ мева, 80 тонна асал етказиб бермоқчи. Бунга жавобан «харидор» нима бермоқчи? Мана, шартномадан кўчирма:

«1. 1991 йилнинг 5 мартигача 1,5 миллион ва 1991 йилнинг 5 апрелигача бир миллион сўм пулни аванс тариқасида ўтказади.

2. Арзон баҳода 1 та ГАЗ—31, 1 та ГАЗ—24, 3 та ГАЗ—52 ва ГАЗ—53 автомашинасини колхозга сотади.

3. Колхоз буюртмаси билан хизмат мақсадларида Москва шаҳри бўйлаб юриш учун автомашина ажратилади.

4. Бланкалар, ёрлиқлар, бошқа босмахона маҳсулотлари тайёрлашга ёрдам беради. Шунингдек, бадиий китоблар сотади».

Табиийки, энди Рустам Усмоновга шундай саволлар пайдо бўлади:

— Сиз халққа ваъда қилган ёғоч-тахта, ун, шакар қани?

— Колхозга сотиб олинаётган ГАЗ—31 ва ГАЗ—24 автомашиналарида ким юради?

— Москва шаҳри бўйлаб хизмат машинасида сайр қилишингиз учун ўзи шундай ҳам камёб бўлиб бораётган асални тонналаб жўнатиш шартмиди?

— Жамоа хўжалиги кассасига келиб тушган 1,5 миллион сўм пулнинг ҳозирги қийматида колхозчиларингизга қаердан қанча ун, ёғоч-тахта сотиб олиб берасиз?

Бу саволларга жавоб битта: Рустам Усмонов ва унинг хўжалигидаги сафдошлари Андижондаги истеъмол бозорини ғорат қилиш эвазига ўзлари яйраб-яшнаб яшашмоқчи. Ҳалолингиз бўлсин, «мирза» йигит! Ўз сўзингиз билан айтсак, «қачон маҳсулот кўпайса, нарх-наво пасаяди, лекин маҳсулот кўпайиши учун бизга ҳалақит бермасинлар». Аммо, қани ўша маҳсулот? Сиз москвалик оғайниларингизга қўш-қўллаб олиб бораётган килоси 13—15 сўмлик асални, икки ярим сўмлик қулупнай ва анжир мураббосини ҳозир Тошкентнинг ёки Андижоннинг қайси дўконидан сотиб олиш мумкин?

Ўтган йилнинг 24 декабрида имзоланган биринчи шартномага кўра «Дўстлик» жамоа хўжалиги москвалик «харидорлар»га 1991 йилнинг 11 февраль куни 103 минг 3 сўм 50 тийинлик (11 минг 610 банка), 26 февралда 50 минг 128 сўмлик (7 минг 705 банка), жами 12 тоннага яқин асал етказиб берган. Шу йилнинг апрелида эса «Дўстлик» жамоа хўжалигининг 52 тонна асали Тошкентда тўхтатиб қолинди. Иккинчи шартнома бўйича улар бу йил «харидор»ларга 80 тонна асал етказиб беришмоқчи. Лекин бунча асални хўжалик қайси асаларичилик участкасида етиштиради? Вилоятнинг бошқа хўжаликларидан, аҳолидан, ҳатто Қирғизистондан арзон баҳода сотиб олинган асални пуллаш ишбилармонлик эмас, балки чайқовчилик ҳисобланади. Шу билан Усмонов асал бозоридаги табиий мувозанат қонунини издан чиқариб юбормоқда.

Шу кунларда жумҳуриятимизда сотувга чиқарилаётган озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларининг 50 фоизи шартнома асосида мол айирбошлаш йўли билан четдан олиб келинмоқда. Шу жумладан, бошқалар қатори «Дўстлик» жамоа хўжалиги аъзолари истеъмол қилаётган ун, шакар ва бошқа маҳсулотлар ҳам. Бизнинг «ишбилармон» раисимиз эса бунга ҳисса қўшиш ўрнига Москванинг тагини туз емирган эски ГАЗ—31 ва ГАЗ—24 машиналарига учиб, халқнинг насибасини қиймоқда. Усиз ҳам жумҳуриятимизда Иттифоқ миқёсида энг юқори бўлган пул қадрсизланиши кучаймоқда.

Ҳозир Кавказорти ва Болтиқбўйи жумҳуриятларидан келган «ишбилармон»лар Ўзбекистон шаҳарларида изғиб юришибди. Улар харидоргир молларни сотиб олиш учун пулнинг бетига қарамайдилар. Сайёҳлик поездлари, тайёралар эшиги-туйнутигача Ўзбекистоннинг истеъмол моллари билан тўлиб қайтмоқда. Чеклашларга қарамай почта орқали олисдаги «қариндошларимиз»га болалар кийимлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари бетўхтов жўнатилмоқда. Буни қарангки, мўмайгина «шапка», озгина чой-чақа эвазига ўзимизнинг айрим учар юртдошларимиз уларни мол билан таъминламоқдалар.

Биз миллионлар билан чўт қоқувчи ҳурматли депутат раисимизни улар қаторига қўшмоқчи эмасмиз, албатта. Аммо дасти узун «харидор»ига суяниб, жумҳурият бозорини издан чиқаришга уринишларига ҳам томошабин бўлиб туролмаймиз.

Ўша турғунлик деб аталган йилларда давлат буюртмаси йўли билан Ўзбекистондан олинадиган маҳсулотлар рўйхатида май ойида пишадиган гилослар ҳам бўлганини кўрганман. Ўзимизнинг бозорларимизда 5—8 сўмдан сотилган ўша гилослар марказга жуда арзон нархларда алоҳида салафан қопчаларда жўнатилишини кейин эшитдим. Қайта қуриш туфайли марказдаги оғайниларнинг бундай эркатойлигига чек қўйилди. Лекин улар бошқача йўлини топишди. Ҳозир пулга ҳамма нарсани сотиб олиш мумкин, деб ҳисоблашмоқда. Бизнинг Усмоновимиз ана шу тузоққа илинган соддаларга (балки унчалик ҳам содда эмасдир?) бир мисол бўла олади, холос. Лекин асосий мақсад бошқачароқ бўлган: Гдлян—Иванов чувалатган «ўзбеклар иши»нинг чуви чиқа бошлагандан кейин ўз ҳақ-ҳуқуқини қаттиқроқ ҳимоя қилаётган халқнинг овозини босиш учун навбатдаги тадбирни ўйлаб топиш керак бўлиб қолди. Бундай «босиб қўйишга ташналик» йўлида демак, ўзининг манфаатини ҳимоя қилаётганини яшириб бўлса ҳам Ўзбекистонда зарурият туфайли қабул қилинган қарорни қонунга, халқ депутатларини жумҳуриятнинг ҳукматига қарама-қарши қўйиш даражасига бориб етди.

Рустам Усмонов номидан берилган бу мақола замиридаги ниятни ана шундан иборатдир.

Курашдан чарчадим, деб курашнинг «янги» йўлларидан фойдаланаётган ўртоқлар бу гал ҳам анойининг олмасини излаётганга ўхшайдилар.

А. АБДУРАЗЗОҚОВ.

КПСС Марказий Комитети Котибиятининг баёноти

Ярим аср муқаддам Ленинград шаҳарини унинг номидан маҳрум қилиш, сўнгра эса Россия давлатининг рамзи ва социалистик инқилоб бешиги сифатида уни умуман ер юзидан йўқ қилиб ташлаш ниятида бўлган фашист босқинчиларининг нишонига айланганди. Халқимиз мисли кўрилмаган маҳрумликлар ва қурбонлар бериш ҳисобига буюк шаҳарни сақлаб қолди. Бу кураш Ленинград аҳолисининг салкам ярми ҳаётини юлиб кетди, лекин душманга йўл берилмади. Ленинградни қаҳрамонона ҳимоя қилиш фашизмнинг истилочилик режаларини барбод этишда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ўша, фожиали йилларда Ленинград номи жаҳондаги барча кишилар учун мардлик ва эрксеварлик рамзи сифатида янгради. Бугунги кунда миннатдор инсоният ана шу жасоратга муносиб баҳо бермоқда ва келажакда унинг номини ҳурмат билан тилга олади.

Эндиликда Нева соҳилидаги улуғ шаҳар номига совет давридаги тарихимизни инкор этаётганлар ҳужум қилишмоқда. Улар шаҳардан Ленин номини олиб ташлашмоқчи, буни халқ иродаси деб айтишмоқда — 12 июнь куни шаҳар референдумини ўтказиш белгиланган.

Ушбу тадбир ташкилотчиларининг дастлабки қадамларнёқ жамиятда чуқур ташвиш уйғотди, давлат ҳокимияти идораларига, партия комитетларига, оммавий ахборот воситаларига жуда кўп кишилар мурожаат этишмоқда. Бундай мурожаатлар ва талабларнинг моҳияти — шармандали режанинг амалга оширилишига йўл қўймаслиқдир. Ленинграднинг шавкатли номи ва қийин тарихимизда у билан боғлиқ ҳамма нарсалар кўп миллатли ССР Иттифоқининг барча халқларига тегишлидир. Шаҳарга 1924 йилнинг 26 январида СССР Советларининг 2-съезди Ленин номини берганди. У ишчилар, деҳқонлар ва Қизил армия депутатлари Петроград кенгашининг Петроград фабрикалари ва заводлари ишчилари резолюциялари билан қўллаб-қувватланган илтимосини қондирганди. Шу сабабли бутун совет халқи билан маслаҳатлашмай туриб, буюк шаҳар номини ўзгартириш тўғрисидаги масалани ҳал этишга уриниш — ўз ватандошларини ҳурмат қилмаслик, уларнинг фикрини ошкора инкор этишдир.

Ўйланган тадбир очиқ-ойдин сиёсий тусда бўлиб, барқарорликка, фуқаролар тотувлигига эмас, балки низоларни янада авж олдиришга олиб келади, муҳолифликнинг янги йўлини вужудга келтиради.

Тарих ва замонага ҳурматсизлик, бизгача шу заминда яшаган авлодлар хотирасига ҳурматсизлик, ўз замондошларига ҳурматсизлик борасида ўйлаб чиқарилган бундай хатти-ҳаракатни рад этиш — мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг, — биринчи навбатда ленинградликларнинг инсоний бурчидир.

КПСС Марказий Комитетининг Котибияти Қаҳрамон шаҳар, жангчи шаҳар, меҳнаткаш шаҳар шонли Ленинград номи ҳақорат қилинишига йўл қўймасликка чақиради!

ФАХРИЙЛАР МАДАДИ

Марғилон пиллакашлик фабрикасида меҳнат ва уруш фахрийларига имтиёзлар яратиш билан бирга уларнинг кўп йиллик иш тажрибасидан, мураббийлик имкониятларидан унумли фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Шу мақсадда бу ерга илгари корхонада ишлаган фахрийлар таклиф этилиб, ёшларга касб-ҳунар ўргатиш йўлга қўйилмоқда.

— Бу ишни сидқидилдан бажаряпмиз,— дейди партия ва меҳнат фахрийси Ҳадичахон ая Йўлдошева.— Очиғи, ишсизлик муаммоси бизни ҳам ташвишга соляпти. Шу боис ёш авлодни тарбиялаш ишига, уларни касбга йўналтиришга бел боғлаб киришдик.

Дарвоқе, фабрикада бўш иш ўринлари анчагина. Бироқ айрим ишсиз юрган ёшлар бу даргоҳдаги дастгоҳларни эгаллашга шошилмаяпти.

Ҳозир фахрийлар мадади ҳам анча самара келтиряпти. Кўпгина ёшлар тажрибали ишчилар кўмагида касб ўрганиб, корхонада қолиш истагини билдиришмоқда.

А. ҚУТБИДДИНОВ,
Фарғона вилояти.

• «Фотоконкурс—91»



«Биз учун Оролни сақланглар». Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ЯНА БЎРОН БЎЛДИ

6 июнь куни эрталаб соат саккизларда Бухоро вилоятида Шимоли-Шарқдан бошланган шамол бирдан кучайиб бўронга айланиб кетди. Қариб икки соат давом этган бўрон шаҳар ва қишлоқларга жиддий зиён етказди — дарахтлар ағанаб тушди, баъзи жойларда коммуникация ишдан чиқди, кўпгина уйларнинг томидаги шиферлар кўчиб кетди. Айниқса қишлоқ хўжалик экинлари қаттиқ шикастланди. Эндигина ўниб чиқаётган ғўзалар, сабзавот ва озуқа майдонлари қум қатлами остида қолди. Соат 10 га яқинлашганда бўрон тинчиб, дўл ёға бошлади.

— Май ойидаги табиий офат вилоят халқ хўжалигига 160 миллион сўмлик зарар келтирган эди,— дейди давлат суғурта идораси вилоят бошқармасининг бошлиғи Х. Қурбонов.— Афтидан бу рақам бугун яна ҳам ошади. Ҳозирча офатнинг кўламлари ҳақидаги аниқ маълумотларга эга эмасмиз, лекин мутахассисларимиз вазиятни аниқлаш учун дарҳол жойларга жўнаб кетишди.

Зарар кўрган барча районларда табиий офат оқибатларини тугатиш чоралари кўрилмоқда. Барча ишларни вилоят идоралари бошқариб турибди.

И. САФАРОВ,
ЎзТАГ мухбири.

●

ЎзТАГ мухбирига Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказида хабар қилишларича, Қозоғистон ҳудудига келган. Актюбинск районида юқори циклон кузатилмоқда, унинг иккинчи совуқ ҳаво оқими Бухорода момақалдироққа ва чангтўзон кўтарилишига сабаб бўлган. Вилоятнинг турли районларида шамолнинг кучи секундига 20—25 метрга етганлиги қайд этилди. Ана шундай нохуш ҳолат яқин кунларда Қорақалпоғистонда ҳам бўлиши кутилмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг бир қанча бошқа минтақаларига яна ҳам кучлироқ мурғоб циклони Афғонистондан ёпирилиб келди. Бундай циклон Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах, Тошкент вилоятлари ҳудудидан ўтиб, Фарғона водийсининг тоғли районларига йўналди.

Циклон пайтида шамол ниҳоятда кучайиб кетди. Синоптикларнинг маълумотларига кўра, Жиззах вилоятининг Зомин районида энг кучли — секундига 30 метр тезликда шамол бўлган. Жиззахда шамолнинг тезлиги секундига 28 метрга етганлиги қайд этилди. Тошкент аэропорти атрофида шамолнинг тезлиги секундига 25 метрга етди. 1975 ва 1981 йилларда республика пойтахтида июнь ойида шу рақамларга яқин даражада шамол бўлганлиги маълум.

Циклон ўтаётган пайтда дўл ҳам ёққанлиги қайд этилди. Тошкентда бир минут ичида диаметри 10 миллиметрли дўл ёғди. Бу ҳам камдан-кам бўладиган ҳодиса: 1901, 1921 ва 1959 йилларнинг июнь ойида шундай бўлган эди.

Мурғоб циклони 11—13 километр баландликда кучли момақалдироқ «зарядига» эга. Бироқ у жуда катта тезлик билан ҳаракат қилиб, ва шу боисдан синоптиклар кучли ёғин бўлишини кутмаяптилар. Уларнинг айтишларича, сел ҳам бўлмаслиги керак.

Кейинги тўрт кун ичида Ўзбекистонда ҳаво очиқ келади, баъзи жойларда қисқа муддатли момақалдироқ бўлиб ёмғир ёғади. Ҳаво ҳарорати ончалик пасайиб кетмайди. Бошқача қилиб айтганда, янги табиий офатлар бўлмайди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАР УЮШМАСИНИНГ ПЛЕНУМИ

«Баҳор» концерт залидаги томоша Ўзбекистон ҳозирги замон мусиқа санъати ва мусиқашунослигининг ривожи ҳақидаги жиддий суҳбатга муқаддима бўлди. Композиторлар уюшмаси ўтказаётган барча пленумларда анъана ана шундай. Кичик ва катта ҳажмдаги янги асарларни ижро этиш билан ўзига хос ҳисобот берилади.

Бу галги, ҳисоб бўйича бешинчи пленумнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Пленум турли саҳналарда ўтмоқда. Бу сафар тингловчиларнинг ўзи ҳакамлар сифатида ҳам қатнашишди. Чунки концертлар Тошкентдаги бир қанча корхоналарнинг залларида ўтказилади. Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида мусиқа муҳлислари билан ижодий учрашув бўлиб ўтади.

Пленум муносабати билан Ўзбекистон маданиятига муносиб ҳисса қўшган композиторлар — Т. Жалилов, Ю. Ражабий, Ф. Содиқов, К. Жабборов, С. Калонов, К. Отаниёзов, Д. Султоновларнинг хотира кечалари бўлади.

Композиторлар уюшмасида давра суҳбатини ўтказиш режалаштирилган. 7 июнь куни кечқурун «Баҳор» концерт залида мусиқачилар Ўзбекистон пойтахти жамоатчилиги билан бирга композитор И. Икромов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказишни мўлжаллашмоқда.

(ЎзТАГ).

Билдириш

Маълумки, баҳор ойларида Ўзбекистон ва Тожикистон фавқулодда мураккаб табиий офатларни бошидан кечирди. Иқтисодиётга жиддий зарар етди.

Ҳозир одамларнинг бутун фикри-зикри, хоҳиш-ниятлари табиий офат оқибатларини тезроқ тугатишга қаратилган, жуда кўп кучлар ва моддий ресурслар бу ишга сафарбар этилган. Табиий офатдан жабрланган Ўзбекистон вилоятлари, районлари аҳолисига ёрдам бериш, қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволини ўнглаб олишга доир фавқулодда тадбирлар кўрилмоқда. Тожикистонда ҳам шундай ишлар олиб борилмоқда.

Шунга асосланиб, Тожикистонда Ўзбекистон маданияти кунларини, шунингдек кўшма битимлар имзолаш билан боғлиқ тадбирларни кейинроқ ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

[ЎзТАГ].

„ОЙНАИ ЖАҲОН"ДА КЎРИНГ

10—16 июнь

ҲАР КУНИ

● 8.00 **Соғлом бўлай десанг** (шанба ва якшанбадан ташқари, (ЎзТВ-II).

● 18.00 Ўзбекистон телевидениесининг **«Янгиликлар»** кўрсатуви. (ЎзТВ-II).

● 19.30 да рус тилида **«Ахборот»** программаси (ЎзТВ-I).

● 22.20 да ўзбек тилида **«Ахборот»** программаси. (ЎзТВ-I).

● 6.00 да Марказий телевидениенинг **«Тонг»** мусиқий кўрсатуви. (МТ-I орқали, шанба ва якшанбадан ташқари).

● 20.30 да барча программалар орқали Марказий телевидениенинг **«Время»** программаси.

● 11.30 да **ТСН** (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30— ҳар куни МТ-I).

● 8.00 да **Эрталабки бадантарбия** (МТ-II орқали, якшанба куни **«Зарядкага сафланинг»**).

● 19.45 да **«Хайрли тун, кичкинтойлар!»** (МТ-II).

• 10, душанба

● ЎзТВ I

18.10 Мультфильм. 18.20 Болалар учун концерт. 18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.45 Концерт. 20.25 Тижорат хабарлари. 21.10 «Навоийни ёд этиб». 21.40 Ҳужжатли фильм. 22.20 XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг V сессияси олдидан. 23.05 «Саҳна сеҳргари». СССР халқ артисти Тамарахоним таваллудининг 85 йиллигига.

● ЎзТВ II

18.05 «Ассалому алайкум». 19.05 «Спринт». 19.30 Билимлар сарчашмаси». 19.55 Концерт.

20.30 БИШКЕК КЎРСАТАДИ.

● МТ I

8.30 «Бедана ноласи». Бадиий фильм. 1-серия. 9.35 Янги авлод танлайди. 11.05 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Товуқ ва тимсоҳ». 11.10 «Мулоқот». 11.25 Экологик янгиликлар. 11.45 «Жонимни ол, худойим...». Бадиий фильм. 13.00 Футбол шарҳи. 13.30 Концерт. 14.45 «Ўғил». Бадиий фильм, 1-серия. 15.55 Телефильм. 16.50 Шеърият лаҳзалари. 17.00 «Шахсий компьютерлар олами». 17.15 «Бозор қонунларига биноан...». 17.45 «Бир йилнинг бир куни». 18.00 ТСН. 18.20 Бевосита мулоқот. 19.20 «Бедана ноласи». Бадиий фильм, 1-серия. 21.10 Футбол шарҳи. 21.40 М. де Фалья. Етти испанча халқ қўшиғи. 22.00 Сайловлар олдидан. 23.00 М. Плетнёв чалади (фортепьяно). 23.40 ТСН. 24.00. Фильм-концерт. 01.15 «Бедана ноласи». Бадиий фильм, 1-серия.

● МТ II

7.00 Ишбилармон кишининг тонги. 8.15 «Кичкинтой ва томда яшайдиган Карлсон». Фильм-спектакль. 9.45 Мультфильм. 10.15 «Цирк чироқлари порлайди». Бадиий фильм. 13.25 «Тамперелик Микки маслаҳат сўрайди». 15.05 Мультфильм. 15.15 Енгил атлетика. 18.30 «Осиё овози». 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.00 «Осиё овози».

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ»

21.10 «Спринт». 21.35 «Молдаванка, молдаванка». Спектакль. 23.35 «Гитара тароналари». 23.45 «Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди». 00.30 Сув полоси.

• 11, сешанба

● ЎзТВ I

18.10 Мультфильм. 18.20 Болалар учун. «Ғаройиб пойга». 19.00 «Бунёдкор». 19.45 «Телетомошабинлар ҳузурида». 21.10 «Спртлото». 21.15 «Санъат усталари». 22.20 XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг V сессияси олдидан. «Дўстона алоқалар умрбоқийдир». Видофильм. 23.35 «Санъат усталари».

● ЎзТВ II

18.05 Эстрада концерти. 18.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Зиёкор». 19.00 «Лаҳза». Хабарлар. 19.10 «Менинг маҳаллам».

20.30 АШХОБОД КЎРСАТАДИ.

● МТ I

8.35 «Бедана ноласи». Бадиий фильм, 2-серия. 9.45 «Сизга, ветеранлар...». 10.30 Болалар соати. 11.45 Долзарб репортаж. 12.00 Мультфильм. 12.30 «Халқ ижодиёти» видеоблоки. 14.45 «Ўғил». Бадиий фильм. 2-серия. 15.55 «Қизиқувчилар олами». 16.10 Телефильм. 16.30 «Нельсон Мандела: озодлик сари осон йўл йўқ». 17.05 «Хотира». 17.20 «Ким аслида ким?». 19.20 «Бедана ноласи». Бадиий фильм. 2-серия. 21.10 «Эфирда мусиқа». 21.50 «Россия сайлов олдида: Номзодлар нимани ваъда қилишяпти?». 23.00 Телефильм. 00.05 ТСН. 00.25 «50х50». 02.00 «Бедана ноласи». Бадиий фильм, 2-серия.

● МТ II

8.20 Билимдонлар учун машқ. 9.05 Эстрада концерти. 9.35 Мультфильм. 10.15 «Шимоллик келин». Бадиий фильм. 13.30 Болалар учун фильм. 14.35 «Сизга, ветеранлар...». 15.30 Ритмик гимнастика. 20.00 Ритмик гимнастика. 21.10 СССР Олий Кенгашининг сессиясида. 22.10 Телефильм. 22.45 «Миллион эвазига ҳеч нарса йўқотмайман». Бадиий фильм.

• 12, чоршанба

● ЎзТВ I

8.10 «Инсон ва табиат». 9.10 «Кимсан, чавандоз?». Бадиий фильм. 10.30 «Тележарида». 11.00 «Бозор кўрмаган йигит». Видеофильм. 12.00 «Ёшлик» студияси. 18.10 Мультфильм. 18.25 «Мактабимиз — фахримиз». 19.05 «Чорвадор». 19.50 «Созимиз — овозимиз». 21.10 «Хотира». 21.55 Тижорат хабарлари. 22.20 XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг V сессияси олдидан. 22.50 «Зулматни тарк этиб». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

18.00 Гитара оҳанглари. 18.25 «Ҳаёт йўли». 19.00 «Пульс». Хабарлар. 19.10 «Ишбилармон кишилар». Бадиий фильм.

20.30 БИШКЕК КЎРСАТАДИ.

● МТ I

8.35 «Бедана ноласи». Бадиий фильм. 3-серия. 9.45 Телефильм. 10.25 «Куйловчи Россия». Бадиий фильм, 1-серия. 11.45 «Куйловчи Россия». Бадиий фильм, 2-серия. 13.00 Мультфильм. 13.10 Жаҳон халқлари ижоди. 13.40 «Мен бу қор қопланган чўлни кўряпман». 14.45 «Орзунинг ушалиши». 16.15 «Ҳимоячи Седов». Бадиий фильм. 17.00 Аҳлоқ ва маданиятни қайта тиклаш. 18.15 Концерт. 19.20 «Бедана ноласи». Бадиий фильм, 3-серия. 21.10 «Ҳамиша бирдай бўлавермайди». Бадиий фильм. 22.25 «Кинопанорама». 23.55 «Оперетта, оперетта...». «Севги ва хаёл». 00.55 «Бедана ноласи». Бадиий фильм, 3-серия.

● МТ II

17.35 Телефильм. 17.45 «Биринчи рейс». Бадиий фильм. 19.00 Ҳужжатли фильм. 19.05 Концерт. 19.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.30 СССР Олий Кенгашининг сессиясида.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

21.10 «Пульс». 21.20 «Кинонигоҳ». 23.10 «Биринчи муҳаббат». Бадиий фильм.

• 13, пайшанба

● ЎзТВ I

8.10 Телефильм. 9.10 «Дарёлар оқиб ўтган ўрмонда». Бадиий фильм. 10.35 «Болалар овози». 12.20 Самбо. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Ёшлик» студияси. 19.00 «Ғўза парваришига — аъло сифат». 19.45 «Алифбо сабоқлари». 20.20 «Эрмитажнинг оинабанд жилолари». 21.10 Салоҳиддин Лутфуллаев ва Сайёра Қозиевалар концерти. 21.55 Тижорат хабарлари. 22.20 XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг V сессиясида. 22.50 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Чархпалак», ёки «Бахтингдан кўр».

● ЎзТВ II

18.05 Фильм-концерт. 18.35 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Болалар». 19.45 «02 тўлқинида». 20.00 Мусиқий жилолар.

20.30 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

● МТ I

8.30 «Бедана ноласи». Бадиий фильм, 4-серия. 9.35 Телефильм. 9.55 Хореографик миниатюралар. 10.30 Болалар соати. 11.45 ИИВ маълумотларига кўра... 12.00 «Ҳимоячи Седов». Бадиий фильм. 12.45 «Чемпионлар билан биргаликда». 13.00 «Кинопанорама». 14.45 «Ўз севгилингни топ». Бадиий фильм. 15.50 «Қизиқувчилар олами». 16.05 «Мусиқий хазина». 16.45 Мультфильм. 16.55 Болалар учун фильм. 18.00 ТСН. 18.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.55 «Ноҳиятлироқ, ичи қалтироқ». Фильм-спектакль. 10.30 «Тонг юлдузи». 11.30 Мультфильмлар. 12.00 «Қўрғонлик дўхтир» телефильм. 12.30 «Сизга, ветеранлар...». 13.15 «Марафон-15». 14.30 «Ҳамшаҳар йигит». Бадиий фильм. 16.10 «Ер — она масканимиз» фототанлови. 16.15 «Таклифнома». 17.05 Мультфильм. 17.30 «Халқаро панорама». 18.15 «Воскресенье» халқ куйлари ансамбли ижро этади. 18.25 «Хуанита ля Лярга». Бадиий фильм. 21.10 «Бу учрашувни мен 20 йил кутдим». 23.00 Сибирь Давлат рақс ансамблининг концерти. 24.00 «Хуанита ля Лярга». Бадиий фильм.

● МТ II

7.30 Эрталабки бадантарбия. 7.45 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 8.30 Мультфильмлар. 9.00 «Здоровье». 9.30 «Ҳашаматли Дрезден». 10.10 Мультфильм. 10.15 Спорт ҳамма учун. 10.30 Волейбол. 11.30 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 14.00 — 16.00 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ. 16.00 П. Резель чалади. (фортепьяно). 16.45—18.30 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ. 18.30 СССР Олий Кенгашининг сессиясида. 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.00 Лапарлар байрами. 21.10 Катталар учун мультфильм.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

21.30 «Пульс». 21.40 Тамарахоним ҳузурида. 22.05 «Тарих саҳифаларида». 22.45 «Оқшом гаштаклари». Бадиий фильм.

• 14, жума

● ЎзТВ I

8.10 Телефильмлар. 9.10 «Дўстлик ришталари». 9.40 «Кичик ҳикоялар». Бадиий фильм. 10.50 «Ёшлик» студияси. 18.10 Мультфильм. 18.30 «Элга хизмат: талаб ва таклиф». 19.00 «Замин саховати». 19.45 «Водий тароналари». 21.10 «Навоийхонлик». 22.20 XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг V сессиясида. 22.50 «Тезюрар поезд». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

18.05 Телефильм. 18.35 «Ўтмиш ва бугун». 19.00 «Пульс». Хабарлар. 19.10 «Қизиқарли учрашувлар». 20.10 Кичик концерт.

20.30 АШХОБОД КЎРСАТАДИ.

● МТ I

8.35 «Бедана ноласи». Бадиий фильм, 5-серия. 9.40 «Болалар мусиқий клуби». 10.25 Мультфильм. 10.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 11.45 «Ҳамиша бирдай бўлавермайди». Бадиий фильм. 13.00 «Эфирда мусиқа». 13.30 «Олам кинокамера кўзгусида». 14.45 Болалар учун фильм. 15.10 «Қизиқувчилар олами». 15.35 «Онам, дадам ва мен». 15.55 «Сизга, ветеранлар...». 17.15 Сиёсий мулоқотлар. 18.00 ТСН. 18.15 Мультфильм. 18.40 Телеочерк. 19.20 «Бедана ноласи». Бадиий фильм, 5-серия. 21.10 ИИВ маълумотларига кўра... 21.25 «ВИД» таништиради. Кўрсатув охирида (00.25) —ТСН. 00.40 Хориждаги рус маданияти. 01.30 «Бедана ноласи». Бадиий фильм, 5-серия.

● МТ II

7.00 Ишбилармон кишининг тонги. 8.20 Мультфильм. 8.30 «Сизга, ветеранлар..». 9.15 Ҳужжатли фильм. 10.10 «Кечиккан учрашув». Бадиий фильм. 13.30 Болалар учун фильм. 20.00 Сузиш. 21.10 «Шахсий компьютерлар олами».

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

21.25 «Бу оқшом».

• 15, шанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Отларни қўмсаймиз». Телефильм. 9.30 «Эл ардоқлаган артист». Бадиий фильм. 10.50 «Биргаликда куйлаймиз». 11.20 «Яшил чироқ». 12.05 «Алифбо сабоқлари». 12.40 «Ёшлик» студияси. 18.00 Мультфильм. 18.15 «Тенгдошлар». 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.45 «Оламга саёҳат». 21.10 Оқшом эртаклари. 21.25 «Рақслар гулдастасси». 21.55 Тижорат хабарлари. 22.00 «Ҳафтанома». 23.00 XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг V сессиясида. 23.30 Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Шукуров куйлайди.

● ЎзТВ II

9.00 — 13.00 **ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ.**

18.00 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

● МТ I

6.00 Концерт. 6.25 Мультфильмлар. 7.00 Ритмик гимнастика. 7.30 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.00 ТСН. 8.15 «Усти ялтироқ, ичи қалтироқ». Фильм-спектакль. 10.30 «Тонг юлдузи». 11.30 Мультфильмлар. 12.00 «Қўрғонлик дўхтир» телефильм. 12.30 «Сизга, ветеранлар...». 13.15 «Марафон-15». 14.30 «Ҳамшаҳар йигит». Бадиий фильм. 16.10 «Ер — она масканимиз» фототанлови. 16.15 «Таклифнома». 17.05 Мультфильм. 17.30 «Халқаро панорама». 18.15 «Воскресенье» халқ куйлари ансамбли ижро этади. 18.25 «Хуанита ля Лярга». Бадиий фильм. 21.10 «Бу учрашувни мен 20 йил кутдим». 23.00 Сибирь Давлат рақс ансамблининг концерти. 24.00 «Хуанита ля Лярга». Бадиий фильм.

● МТ II

7.30 Эрталабки бадантарбия. 7.45 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 8.30 Мультфильмлар. 9.00 «Здоровье». 9.30 «Ҳашаматли Дрезден». 10.10 Мультфильм. 10.15 Спорт ҳамма учун. 10.30 Волейбол. 11.30 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 14.00 — 16.00 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ. 16.00 П. Резель чалади. (фортепьяно). 16.45—18.30 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ. 18.30 СССР Олий Кенгашининг сессиясида. 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.00 Лапарлар байрами. 21.10 Катталар учун мультфильм.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

21.30 «Пульс». 21.40 Тамарахоним ҳузурида. 22.05 «Тарих саҳифаларида». 22.45 «Оқшом гаштаклари». Бадиий фильм.

• 16, якшанба

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

● ЎзТВ I

8.00 «Ҳафтанома». 9.00 «Бизга мактуб йўллабсиз». 9.30 Спорт программаси. 10.55 «Шеърият дафтаридан». 11.15 Араб тили. 11.45 Концерт. 12.15 «Митти қочоқ». Бадиий фильм. 13.55 Инглиз тили. 14.25 «Дўстлик» студияси кўрсатади. 18.00 Мультфильм. 18.20 Болалар учун «Кичкинтой» кўрсатуви. 18.50 «Кино жавонидан». 19.45 «Сиҳат-саломатлик». 21.10 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал. 21.20 «Якшанба оқшомида». 22.20 «Тирранча». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

9.00—13.00 ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ.

18.00 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

● МТ I

6.00 Ҳужжатли фильм. 6.30 «Тонг юлдузи». 7.30 «С» формуласи. 8.00 Биржа янгиликлари. 8.15 «Спортлото». 8.30 «Эрта саҳарлаб». 9.30 «Ватан ҳизматида». 10.30 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 11.00 «Саёҳатчилар клуби». 12.30 «Мусиқий киоска». 13.00 «Веди». 13.30 «Севгига ишонаман». Бадиий фильм. 14.50 ТСН. 15.05 «Циркни ҳамма севади». 15.25 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Эшак». 15.30 «Здоровье». 16.30 Шеърият лаҳзалари. 16.40 «Қишлоқ янгиликлари». 17.40 «Уолт Дисней таништиради...». 18.30 Р. Шуман. «Жимжимадор нақшлар». 18.40 «Қизиқчи». Бадиий фильм. 21.10 «Нима? Қаерда Қачон?». 22,10 «Рэндо» лўлилар ансамбли ижро этади. 22.25 «Хронограф». 22.40 Волейбол. 23.40 Лотин Америкаси бал рақслари Европа чемпионати. 02.10 Киноконцерт. 02.50 Фильм-концерт.

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг! 7.45 Сузиш. 8.15 «Оила». 9.15 «НУЖ: зўлон қилинмаган таш-риф». 10.15 Баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. 11.15 Телефильм. 11.30 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 14.00—16.15 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ. 18.15 Муаллифлик телевидениеси. 19.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.30 Ҳужжатли фильм. 19.45 Муаллифлик телевидениеси.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

21.10 «Бу оқшом» кўрсатуви саҳифаларида.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими— 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт—33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб —32-54-29; фельетонлар— 32-54-27; безатиш—32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5561.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 21.00.

№ 109. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматда босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12